ЮБИЛЕЙ ЙИЛИ МЕҲНАТ ВАХТАСИДА

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 150 (6011).

3 АВГУСТ

ЧОРШАНБА

1977 ЙИЛ.

Баҳоси 2 тийин.

ПЛАН ОШИРИБ БАЖАРИЛДИ

УЛУҒ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллик тўйига муносиб совға тайёрлаётган Калинин районидаги Гагарин номли совхоз чорвадорлари улкан зафар қучишди. Хўжаликда давлатга сут топшириш етти ойлик плани муддатидан олдин бажарилди. 207 ўрнига 240 тоннадан ортиқ сут етказиб берилди. Сут булоғини кўпайтиришда Полина Дўсаева, Люба Логачева, Янгара Фахринсломовалар сингари чорвадорларнинг ҳиссаси улкан бўлди.

Совхоз чорвадорлари эришган ютуқларни мустаҳкамлаб йиллик халқ хўжалик планини ва зиммага олган социалистик мажбуриятларини бажариш учун ўзаро мусобақани янада авж олдирмоқдалар.

ДАЛАЛАРДАН ДАРАКЛАР

● ПИСКЕНТ. 1-«Пискент» совхозида элликцентнерчилик ҳаракати кенг қулоч ёймоқда. Хўжаликда биринчи бўлиб Халим Иброҳимов бошлиқ бригада коллективи бошлаб берган бу ташаббусга Қурбон Эргашев, Абдуқодир Одиловлар етакчилик қилаётган бригадалар ҳам актив қўшилдилар.

Элликцентнерчи бригадалар далаларида ғўзалар машинабоп қилиб ўстирилмоқда. Чунки улар юбилей йили ҳосилнинг камида 90 процентини «зангори кема»лар ёрдамида териб олишга аҳд қилишган.

М. ТОИРОВ.

●

● БЕКОБОД. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг «Республика маккажўхорикорларининг социалистик мусобақаси тўғрисида»ги қарорини мамнунлик билан кутиб олган район маккажўхорикорлари бу қимматли экин парваришини янада кучайтирмоқдалар.

А. Мавлонов номли совхознинг Нурали Султонов бошлиқ маккажўхорикорлик бригадаси аъзолари ҳосилдорликни 105 центнерга етказиб, бу муҳим қарорга амалий иш билан жавоб беришга аҳд қилдилар. 60 гектар майдондаги маккажўхори ҳозиргача тўрт марта культивация қилинди, беш марта қўндириб суғорилди. Айни кунларда ҳар бир тупда ўртача 1,5 тадан сўта мавжул. Агар ҳар гектар ерда 55 минг туп кўчат қолдирилганлиги ҳисобга олинса, бригада аҳлининг ўз ваъдасини ёруғ юз билан бажаришига шубҳа йўқ.

Шунингдек, райондаги «Победа» колхозининг Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Қўшбоқ Эгамбердиев бошлиқ пахтачилик бригадаси аъзолари ҳам катта «оқ олтин» хирмонига пухта замин яратмоқдалар. 130 гектар майдондаги ғўзалар дуркун ривожланаётир. Ҳар тупда 8 тагача бўлиқ кўсак санаш мумкин. Бригада коллективи август ойида ҳам парваришни сусайтирмай мажбуриятдаги 40 центнерли маррани сўзсиз эгаллаш учун бор имкониятларни ишга солмоқда.

К. РАҲМОНБЕРДИЕВ, З. ЮСУПОВ.

●

Далаларда фидокорона меҳнат тобора қизғин авж олган сари редакциямизга келаётган хушхабарлар оқими ҳам тезлашмоқда. Жамоатчи мухбирлардан Ўрта чирчиқлик Ж. Деҳқонова ва Ф. Сафиуллина, бекободлик Ю. Юсупов ва К. Раҳмонбердиев, янгийўллик Х. Мирзаев ва Х. Юнусов, бўстоқлиқлик О. Исмонов, Тошкент районидан Т. Жўраев, оҳангаронлик А. Абдулхақов, пискентлик С. Аҳмедов ҳамда Р. Бойтуллаевлар йўллаган мактубларда пахтакорлар ҳамда сабзаворт ва лубкорларнинг юбилей шарафига олган социалистик мажбуриятларини бажариш йўлидаги фидокорона меҳнатлари ҳақида ҳикоя қилинади.

УМУМХАЛҚ МУҲОКАМАСИ

«Янги Конституция лойиҳасини завқ-шавқ ва мамнуният билан ўрганмоқдаман. Бу тарихий ҳужжатни табриклайман, бу ҳужжат бизнинг мамлакатимизда вужудга келганлигидан фахрланаман»,— деб ёзади «Правда» газетасида горловкалик коммунист шахтёр Д. Демидов. Замонамизнинг ажойиб сиёсий ҳужжати — СССР Асосий қонуни лойиҳаси, КПСС Марказий Комитети 1977 йил май Пленуми қарорлари ва КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг Пленумда қилган доклади ҳақида берилган ана шундай баҳоларни шу кунларда меҳнат коллективларининг йиғилишларида ва қишлоқ йиғинларида эшитиш мумкин, ёш комсомол аъзоси ва мўйсафид ветеран ҳам шу фикрни изҳор қилмоқда. Икки ойдан буён совет кишиларининг диққат-эътибори халқ муҳокамасига қўйилган Конституция лойиҳасига қаратилган. Бу лойиҳани ҳамма қўллаб-қувватламоқда.

Якдиллик, жипслик бўлиб ўтган пленумлар ва партия актив йиғилишларига, иттифоқдош республика Олий Советларининг сессияларига, ишчи ва партия йиғилишларига хос хусусиятдир. Уларнинг қатнашчилари таъкидлаб ўтганидек, ҳамма жойда СССР Олий Совети олтинчи сессияси якунлари, КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг СССР Олий Совети Президиуми Раиси қилиб сайланганлиги баланд руҳ билан кутиб олинди ва буни социалистик ватаннинг олий манфаатларига мос бўлиб тушадиган воқеа деб ҳисобламоқдалар.

Лойиҳани муҳокама қилиш тобора кенг тус олиб, ўн миллионларча гражданлар учун давлатни бошқаришда актив қатнашиш университети бўлиб қолди. Конституция комиссиясининг яқинда эълон қилинган хабороти буни ёрқин исбот этади. Ўз мамлакатининг чин хўжайинлари, оташин ватанпарварлар ва коммунизмнинг эътиқодли бинокорлари, интернационалистлар ва бутун планетада тинчлик учун курашчилар бўлмиш совет кишилари бу муҳокамани ўзларининг жонажон иши деб билмоқдалар. Улар ватанининг ажойиб муваффақиятларидан астойдил фахрланаётганликларини, коммунистик партия ва совет давлатининг ички ҳамда ташқи сиёсатини чин кўнгилдан қўллаб-қувватлаётганликларини изҳор қилмоқдалар, вазифаларимиз тўғрисида фикр юритиб, бу вазифаларни ҳал этишга ўз коллективининг ва шахсан ўзларининг қўшадиган ҳиссасини белгилаб олмоқдалар.

Партия ташкилотлари лойиҳанинг ғоят кенг, эркин ва ҳаққатан ҳам ишчанлик руҳида муҳокама қилинишини таъминлашга, меҳнаткашлар оммасини, аҳоли барча табақаларининг вакилларини шу муҳокамага жалб этишга интилмоқдалар. Москвада лойиҳани муҳокама қилишда шу пайтгача 4,5 миллиондан зиёд киши қатнашди, улардан неча ўн минглаб киши ўз мулоҳазаларини ва таклифларини айтди; Москвада асосий қонун тўғрисида ҳар куни икки мингдан ортиқ лекция ўқилмоқда. Ленинградда 200 мингдан зиёд пропагандист, лектор, сиёсий ахборотчи лойиҳани тушунтириб бермоқда. Киевда лойиҳани ўрганиш юзасидан 42 мингга яқин группа ташкил этилди. Партия комитетлари шу мақсадда ташкилотчилик иши ва сиёсий ишнинг мавжуд формаларидан фойдаланиб, идеологик таъсир кўрсатиш воситалари арсеналини бойитмоқдалар. Неча минглаб тематик лекцияларнинг очилди, Саратов областида ва бошқа областларда СССР Конституцияси лойиҳасига бағишланган сиёсий кунлар ўтказилмоқда. Сайлов кампанияси даврида тузилган кўпгина агитпунктлар ва агитколлективлар ишлаб турибди. Ана шу қимматли тажрибадан тобора кенг фойдаланиш лозим.

Асосий қонун лойиҳасини пропаганда қилиш, тушунтириб беришда партия, совет ва хўжалик ходимлари, олимлар ва мутахассисларнинг актив иштирок қилишлари жуда муҳимдир. Лойиҳани кенг кўламда муҳокама қилишни ташкил этиш — советларнинг жонажон ишидир. Касаба союзлари ва комсомол, ижодий союзлар, илмий муассасалар бу иш билан фаол шуғулланишлари лозим. Бу соҳада оммавий ахборот ва пропаганда воситалари алоҳида роль ўйнаши керак. Улардан муҳокаманинг боришини моҳирлик билан ёритиш, меҳнаткашларнинг овозига ҳурмат ва эътибор билан қараш талаб этилади.

Мамлакатнинг катта ёшдаги бутун аҳолисининг дилига йўл топиш учун оммавий-сиёсий ишни меҳнаткашлар турли гуруҳларининг талаб-эҳтиёжларини ҳисобга олиб уюштириш керак. Конституция лойиҳасини муҳокама қилиш мамлакат жамоат ҳаётини янада активлаштиришга ёрдам бериши, халқда янги ижодий кучларни рўёбга чиқариши, социалистик мусобақани янада кенг авж олдириши лозим. Партия комитетлари аниқ ва равшан сиёсий йўналишни, муҳокаманинг кенг ошкоралигини таъминлаётган, уни ҚПСС XXV съездининг қарорларини бажариш учун кураш билан ва Улуғ Октябрнинг 60 йиллиги байрамига таёргарлик билан маҳкам боғлаб олиб бораётган жойларда бунга эришилмоқда. Асосий қонун лойиҳасидан илҳомланган неча ўнг минглаб меҳнаткашлар илгари қабул қилинган социалистик мажбуриятларни қайтадан кўриб чиқдилар ва беш йиллик икки йилни топширишларини 7 ноябрга муддатидан олдин рапорт беришга киришдилар.

Масалан, Дағистон партия ташкилоти Конституция лойиҳасини муҳокама қилиш билан боғланган ташкилотчилик ва оммавий-сиёсий ишларни муваффақиятли суратда кучайтириб юборди. Бошқа жойлардаги каби бу ерда ҳам йиғилишларнинг кўпчилиги юксак сиёсий активлик ва ишчанлик вазиятида ўтмоқда. Аммо ҳали катта нуқсонларга ҳам йўл қўйилмоқда. Баъзи йиғилишлар яхши тайёргарлик кўрилмай шошмашошарлик билан чақирилмоқда, амалий равишда фикр алмашинмай, дабдабабозлик билан ўтказилмоқда. Мамлакатнинг баъзи районларида эҳтиёж бўлмаганги ҳолда муҳокама муддатларини қисқартириб, ишни тезроқ «уддалашга интилмоқдалар. Лойиҳани тушунтириш ва пропаганда қилиш чуқур ва пухта олиб борилмаётганлигини, диққат-эътибор тарихий ҳужжатнинг янги қоидаларига суст жалб этилаётганлигини кўрсатадиган ҳоллар ҳам учраб туради. Тушунтириб беришнинг группали ва якка формалари ҳамма жойда ҳам моҳирлик билан бирга қўшиб олиб борилмоқда, деб бўлмайди. Бу ишларнинг ҳаммасини планли равишда олиб бориш, ҳар бир тадбир устида пухта ўйлаб кўриш керак. Бу соҳада бошланғич партия ташкилотлари жуда муҳим роль ўйнайди.

Оммавий муҳокама давомида партия, совет ва хўжалик аппарати турли бўғинларининг амалий фаолияти меҳнаткашларнинг диққат-марказида турибди. Бунда гап, кишиларни тўлқинлантираётган актуал масалалар ҳақида, ҳал этилмаган вазифалар ва айрим камчиликлар тўғрисида бораётир. КПСС Марказий Комитети май Пленумининг йўл-йўриқларини бажариб, танқидга оператив ва конкрет эътибор берилаётган, ишни яхшилаш учун тегишли чоралар тез амалга оширилаётган, ҳар бир таклиф пухта ҳисобга олинаётган жойларда тўғри иш қилмоқдалар. Бу таклифларнинг бирортасини ҳам эътиборсиз қолдириш мумкин эмас, деган қоидага қаттиқ риоя қилиш керак. Ана шу таклифларни кўриб чиқиш якунлари тўғрисида мунтазам ахборот бериб туриш лозим.

Муҳокамани кенг кўламда, чуқур ва амалий тарзда ўтказиш—асосий қонун лойиҳасини муҳокама қилиш соҳасидаги иш олдига қўйилаётган энг муҳим талаблардир. Ишни ана шу талабларга мувофиқ олиб бориш — барча ташкилотларнинг, барча кадрларимизнинг энг муҳим вазифасидир.

[«ПРАВДА»нинг 2 августдаги бош мақоласи].



ОҚҚЎРҒОН районидаги Куйбишев номли колхозининг Нафил Исмоилов бошлиқ бригадаси аъзолари элликцентнерчилар ҳаракатига қўшилган. Улар 120 гектар ерга барака уруғи қадаб, Улуғ Октябрнинг 60 йиллиги шарафига 60 центнерлик хирмон уюш учун қизғин курашмоқдалар. Суратларда: Н. Исмоилов ва механизатор М. Баҳриев; (пастда) ҳашоратга қарши самолётда дори сепилаяпти.

Ж. Тўраев фотолари.

БУТУНИТТИФОҚ КЎРИГИ ҒОЛИБЛАРИ

ҚУЙИ ЧИРЧИҚ районидаги Димитров номли колхоз зотли чорвачиликни ривожлантириш соҳасида энг яхши кўрсаткичларга эришиш учун мамлакат колхоз ва совхозлари, қишлоқ хўжалик корхоналари Бутуниттифоқ конкурсининг голиби бўлди. Бу ерда 1976 йилда сигирлар подаси янгиланганлиги туфайли ҳар бир бош сигирдан 4173 килограммга етказиб сут соғиб олинди. Ҳар юз бош қорамолдан 104 тадан бузоқ олиниб, юксак натижага эришилди. Ана шу муваффақиятлари учун колхоз СССР Қишлоқ хўжалиги министрлиги билан тармоқ касаба союзи Марказий Комитетининг биринчи мукофоти ва дипломга сазовор бўлди.

Бутуниттифоқ конкурсида Тошкент область, Юқори Чирчиқ районидаги Свердлов номли колхоз, Тошкент область, Калинин районидаги Қорасув давлат наслдор паррандачилик хўжалиги иккинчи мукофотни қўлга киритдилар.

Тошкент область Юқори Чирчиқ районидаги «Правда» колхози диплом билан мукофотланди.

(ЎзТАГ).

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА

КОНКУРС ЯКУНЛАНДИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бошланғич партия ташкилотлари, район, шаҳар ва область комитетлари ташкилий-партиявий иш кабинетлари учинчи республика конкурсининг якунларини тўплади.

Ҳозир республикада 11 та область партия комитетида, 24 та шаҳар партия комитетида, 130 та район партия комитетида ва 5700 тадан кўпроқ бошланғич партия ташкилотида ташкилий-партиявий иш кабинетлари ва бурчакларибор. Кейинги вақтларда партия иши тажрибасини умумлаштиришда ва пропаганда қилишда уларнинг роли сезиларли даражада ошди. Конкурс якунлари кўрсатганидек, кўпгина кабинетлар мазмунли ахборот материаллари билан бойиди, уларда ташкилий техника кенгроқ қўлланиладиган бўлиб қолди. Методик кенгашларнинг иши яхшиланди. Улар составига ташкилий-партиявий иш соҳасида бой тажрибага эга бўлган коммунистлар киритилди. Методик кенгашлар ташкилий-партиявий ишнинг самарали форма ва методларини доимо қидирмоқда, партия ташкилотлари ҳаётида вужудга келган барча янги ва илғор нарсаларни умумлаштирмоқда ва оммалаштирмоқда. Кенгашлар ишлаб чиққан кўпгина тавсиялар партия XXV съезди ўртага қўйган вазифаларни собитқадамлик билан ҳал этишда партия ташкилотларига ёрдам бермоқда.

Шу билан бирга, конкурс кўрсатганидек, шаҳар ва район партия комитетларининг ҳаммаси ҳам ташкилий-партиявий иш кабинетлари ва бурчакларининг фаолиятини яхшилаш тўғрисида доимо ғамхўрлик қилаяптилар деб бўлмайди. Баъзи партия комитетлари кабинетларни жиҳозлаш ва уларда адабиёт тўплаш билангина чекланиб қолдилар.

Конкурс якунлари бўйича Андижон область партия комитетининг ташкилий-партиявий иш кабинетига биринчи ўрин берилди. Қашқадарё область партия комитетининг кабинети иккинчи ўринни ва Самарқанд область партия комитетининг кабинети учинчи ўринни эгаллади. Бу кабинетлар Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг тегишли дипломларига сазовор бўлди.

Андижон, Ангрен, Гулистон, Каттақўрғон, Навоий, Урганч, Фарғона шаҳар партия комитетларининг, Оққўрғон, Беруний, Дўстлик, Косонсой, Каттақўрғон, Қўшкўпир, Қува, Қўрғонтепа, Қизилтепа, Сариосиё, Сирдарё, Фрунзе (Тошкент шаҳри), Шаҳрисабз район партия комитетларининг ташкилий-партиявий иш кабинетлари областларда энг яхши, кабинетлар деб топилиб, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг дипломлари билан мукофотланди.

Областлар, шаҳарлар ва районларда энг яхши деб топилган бошланғич партия ташкилотларининг 157 та ташкилий-партиявий иш кабинети Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг дипломи билан мукофотланди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети область, шаҳар ва район партия комитетлари зиммасига ташкилий-партиявий иш методика кенгашлари ва кабинетларининг фаолиятини партия ходимларига методик ёрдам беришга, ташкилий-партиявий ишнинг энг яхши тажрибасини чуқур ўрганиш, умумлаштириш ва оммалаштиришга қаратиб, уни янада такомиллаштиришни таъминлаш мажбуриятини юклади. Партия комитетларига, кабинетлар ва методик кенгашларнинг фаолияти тўғрисидаги ахборотларни вақти-вақти билан тинглаб туриш, улар ишлаб чиққан амалий тавсияларни таҳлил қилиш, қимматли тажрибани партия ташкилотларининг практикасига активроқ жорий этиш тавсия қилинди.

РЕЗЕРВЛАРДАН ТЎЛА ФОЙДАЛАНАМИЗ

ШУ йил эрта баҳорда областимизнинг бир группа пахтакорлари, сабзаворткорлари, чорвадор ва ғаллакорлари ҳосилдорликни ошириш, сут соғиб олишни кўпайтириш юзасидан ўз зиммаларига оширилган мажбурият олиб, ажойиб ташаббус бошладилар. Ватанпарварларнинг юбилей йили шарафига олган бу социалистик мажбуриятларини бажариш юзасидан қандай янги ютуқларни қўлга киритдилар. Бугундан бошлаб «Ташаббускорлар ҳисобот берадилар» рубрикаси остида, уларнинг мақолаларини бериб борамиз.

БУ йил об-ҳаво шароитининг ноқулай келиши деҳқончилик ишларини бир мунча мушкуллаштириб юборди. Лекин шунга қарамай бригадамиз аъзолари сабзавот экинлари ҳосилдорлигини ошириш учун барча имкониятларни ишга солдилар. Шу йилнинг 7 ноябргача сабзавот маҳсулотлари етиштириш уч ярим йиллик планини бажаришга қарор қилдик. Бунга эришиш учун сабзавот экинлари ҳосилдорлигини 400 центнерга, картошка ҳосилдорлигини эса 250 центнерга етказамиз.

Улуғ Октябрнинг 60 йиллигини муносиб кутиб олиш юзасидан ана шундай юксак мажбурият олганмиз. Шу мақсадда деҳқончиликка фан-техника ютуқлари ва илғор тажрибани кенг жорий этмоқдамиз, органик-минерал ўғитлардан самарали фойдаланаяпмиз.

Шу кунгача амалга оширган ишларимиз, эришилган ютуқлар, йўл қўйилган камчиликларни яна бир бор ўрганиб чиқдик ва бундан бўён дала ишларини қандай давом эттириш кераклигини белгилаб олдик.

Ерлардан бир йилда икки маротаба ҳосил олиш тажрибасини кенг қўллаяпмиз. Эртаки экинлардан бўшаган майдонларга кечки сабзавот экдик. Ҳозир далаларимизда сабзи, бодринг, карам ва бошқа сабзавот экинлари яхши ривожланаяпти. Уларга ишлов бериш, озиқлантириш ишларини қизитиб юбордик.

Эртаки сабзавот экинларидан кутилганидек ҳосил ҳам юқори. Ҳар гектаридан 400 центнердан пиёз йиғиштириб оламиз. Далалардан кунига 32—34 тоннадан маҳсулот жўнатяпмиз. Сабзаворткорларимиз яна 2 минг тоннадан ортиқ маҳсулот етказиб берадилар ва бу борадаги мажбуриятларини сўзсиз бажарадилар.

Лекин ҳамма соҳада ҳали ишимиз яхши бораяпти, дея олмаймиз. Очиғини айтиш керак, бригадамизда эртаки картошка ҳосилдорлиги мажбуриятда кўзда тутилгандан қарийб икки баравар кам бўлди. Биз картошка парваришини агротехникасида йўл қўйилган камчиликлар сабабини ўрганиб чиқдик. Белгиланган мажбуриятни кечки экин хисобига қоплаш чораларини белгилаб олдик. Ҳозир бутун куч ва имконият кечки картошка парваришига қаратилган. Барча резервлардан самарали фойдаланиб, зиммамиздаги мажбуриятни шараф билан бажарамиз.

Н. ЖУМАБОЕВ, Оржоникидзе районидаги «Қизил Ўзбекистон» колхозининг сабзаворткорлик-картошкачилик бригадаси бошлиғи.

ТАШАББУСКОРЛАР ҲИСОБОТ БЕРАДИЛАР

ЧОРВАДОРЛАР ҒАЙРАТ ҚИЛМОҚДАЛАР

ЯНГИЙЎЛ. («Тошкент ҳақиқати» мухбиридан).

Н. НИЁЗОВ номли колхоз меҳнаткашлари хўжаликни комплекс ривожлантириш учун барча резервларни ишга солмоқдалар.

Юбилей йилида хўжалик аъзолари ҳар гектар ердан 45 центнердан «оқ олтин» топшириш мажбуриятини олганлар. Далаларда юксак мажбуриятга яраша ҳосил тўпланмоқда. Ғўза парваришн сусайтирилмаяпти. Ҳосили кам карталарга қўшимча ишлов берилмоқда. Шарбат сувн оқизиш икки смекада ташкил этилган.

Колхоз чорвадорлари ҳам баракали меҳнат қилаётирлар. Айниқса, бўрдоқибоқарлар яхши ишладилар. Давлатга 23 тонна гўшт топширилиб олтн ойлик топшириқ ортиғи билан бажарилди. Гўштга сотилган ҳар бир қорамолнинг ўртача тирик вазни 417 килограмм, қўйларнинг вазни 50 килограммни ташкил этди. Бунда молбоқарлардан Марзаҳалил Хожиев, Нормат Юсуфалиев, Эламас Тастанов каби ўртоқларнинг ҳиссаси каттадир. Ҳозирги кунда улар боқимидаги қорамоллар бир кеча кундузда 700—800 килограммдан семирмоқда.

Сутчиликда катта ютуқларга эришилди. Ҳозиргача 300 тоннадан кўпроқ серқаймоқ сут топширилди ва етти ойлик режа ортиғи билан бажарилди.

Хўжаликда паррандачилик ривожланмоқда. Илғор товуқбоқар Валя Головинани ҳамма ҳурмат қилади. У товуқларни яхши парваришлаб маҳсулотни кўпайтираётир. Йиллик пландаги 30 минг ўрнига салкам 70 минг дона тухум сотилади. 4500 жўжа сотиб олинди. Валя Головина бу зотдор жўжаларни ҳам меҳр билан парвариш қиляпти.

Хўжалик аъзолари Улуғ Октябрь байрамини барча соҳалар бўйнча улкан ютуқларни қўлга киритиш билан нишонлаш учун бутун куч ва ғайратларини ишга солмоқдалар.

М. ҒОЗИЕВ.

ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА ДАҒАЛ ХАШАК ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА ШУ ЙИЛ 2 АВГУСТГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

(Топшириққа нисбатан процент ҳисобида)

	Биринчи устун — бир кунлик ўсиш, иккинчи устун — мавсум бошидан бўён.	
Калинин	3,2	100,0
Пискент	0,3	89,5
Оржоникидзе	0,8	89,3
Оҳангарон	—	87,4
Бекобод	1,8	87,3
Қуйи Чирчиқ	0,1	84,8
Оққўрғон	1,1	84,5
Чиноз	0,8	84,0
Бўка	—	83,7
Тошкент	0,7	81,4
Ўрта Чирчиқ	—	81,1
Юқори Чирчиқ	0,4	78,5
Янгийўл	0,5	72,3
Бўстонлиқ	0,1	69,0
Область бўйича:	0,6	85,4

СССР КОНСТИТУЦИЯСИ ЛОЙИҲАСИ УМУМХАЛҚ МУҲОКАМАСИДА

МИЛЛИОНЛАРНИНГ БАХТ ҚОМУСИ

Камолот йўлида

СОВЕТ граждани бўлиш нақадар фахрли! Шу сабабли ҳар биримиз қувонч ва ифтихор туйғуларига тўлиб-тошган ҳолда «Мен Совет Иттифоқи гражданиман» деймиз. Янги Конституция лойиҳасини ўқиб-ўрганар эканмиз, совет киши нақадар катта ғамхўрликлар билан қуршаб олинганлигини чуқур ҳис қиламиз.

Ҳаётимиз Асосий Қонунининг ҳар бир боби, ҳар бир моддаси, ҳар бир сатри меҳнаткашларнинг туб манфаатларига мос бўлиб тушган. Шунинг учун ҳам бутун совет халқи бу муҳим ҳужжатни чин кўнгилдан қўллаб-қувватламоқда.

Лойиҳанинг 45-моддаси ҳам кишида қувонч ҳиссини уйғотади. Унда илм олиш ҳуқуқи ўз ифодасини топди. «СССР гражданлари илм олиш ҳуқуқига эгадирлар». Бу ҳуқуқ «ёшларга умумий мажбурий ўрта таълим бериш амалга оширилиши билан» рўёбга чиқарилади. Лойиҳадан келтирилган шу сатрлар замнида катта мазмун бор.

Умумий ўрта таълим билим ўчоқлари истиқболлари билан узвий боғлиқдир. КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг «Ёшларни умумий ўрта таълимга ўтказишни тугаллаш ва умумий таълим мактабларини янада ривожлантириш тўғрисида»ги қарори эълон қилинганига беш йил бўлди. СССРнинг янги Конституцияси қабул қилинадиган ва Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллиги байрам этиладиган шу қутлуғ йилда биз «умумий ўрта таълимга ўтиш асосан тугалланди» деб дадил айтаоламиз.

Шу ўтган давр ичида, айниқса қишлоқ мактаблари тармоғи кенгайди. Қишлоқ жойларида кўплаб билим ўчоқлари очилди. Жумладан, бизнинг илм бўстонимиз ҳам ҳашаматли ўқув корпусига эга бўлди. Бу, районимизда қурилган катта ва типовой бинолардан биридир.

Эндиликда бизда ўқув-тарбия ишлари кенг ва планли равишда олиб борилмоқда. Машғулотлар кабинет системасига кўчирилган. Меҳнат таълимини бериш учун алоҳида устахона ва лабораторийлар мавжуд.

Кўриниб турибдики, таълим-тарбия ишларининг муваффақияти кўп жиҳатдан мактабларнинг ўқув-моддий базасига боғлиқдир. **Лойиҳанинг 45-моддасидаги ёшларнинг «илм олишлари учун шароит яратиб бериш билан» сатрлари ана шу масала билан боғлиқ. Ушбу сатрларга таҳрир берилса, унга янада аниқлик киритилган бўлур эди. Биз «илм олишлари учун» сўзларидан сўнг «ўқув-моддий базаларини мустаҳкамлаш» деган сатрларни қўшиб қўйишни таклиф этамиз.**

Мактабимиз педагогик коллективи ёш авлодни ўқитиш ва тарбиялашда илғор тажрибаларни ишга солади. Ёшларимиз билимдон ва меҳнатсевар бўлиб ўсаверадилар.

Тиллабой ХУСАНОВ,
Бўстонлиқ районидаги 19-мактабнинг директори.



Галина МАМИНА кўп йиллардан бери «Учқун» тўқимачилик галантерея бирлашмасида меҳнат қилиб келади. У кўп ва сифатли маҳсулот ишлаб чиқариб, пешқадамлар сафида боряпти.

М. Нуриддинов фотоси.

СПОРТ — КОММУНИСТИК ТАРБИЯ ВА САЛОМАТЛИК МАНБАИ

А. ҲАФИЗОВ,
область физкультура ва спорт комитетининг раиси

Ҳозирги кунда физкультура ва спортнинг ҳаётимизда ўйнаётган ғоят катта роли хусусида тўхталиб ўтишнинг ҳожати бўлмаса керак. Ҳар куни бошланғич физкультура ташкилотларида бўлаётган ишлаб чиқариш гимнастикасидан тортиб, ўзаро мусобақалар, Бутуниттифоқ ва халқаро миқёсдаги йирик турнирларгача бирор дақиқамиз физкультура ва спортсиз ўтмаётганлигини кўрсатиб турибди. 1980 йил Москва олимпиадасига бутун мамлакатимизда олиб борилаётган катта тараддуд ҳам совет халқи физкультура ва спорт билан якиндан «тил топишиб», дўстлашиб қолганлигини яна бир марта намойиш қиляпти.

Дарҳақиқат, физкультура ва спорт Ватанимизда юксак сиёсий ва маънавий маъно касб этган, коммунистик тарбиянинг асосий воситаларидан бирига айланиб колган. Совет спортини хозирдагидек юксак чўккиларга кўтаришда серқуёш республикамиз, колаверса областимиз физкультура ва спорт ташкилотларининг ҳам салмоқли улуши бор. Вакилларимизнинг Бутуниттифоқ мусобақаларидаги муваффақиятлари, халқаро майдонда советлар мамлакати шарафини муносиб ҳимоя қилаётганликлари энди биз учун оғат тусига, табиий ҳолга айланиб қолган. Лекин ана шу юксак даражага етишиш учун физкультура ва спортимиз канчалик мураккаб йўлни босиб ўтмади дейсиз.

Ўзбекистон физкультура ва спорт тарихи музейига кириб колгудек бўлсангиз ана шу йўл ҳақида мўфассал маълумот олишингиз мумкин. Ветеранларимиз келтириб берган эски ёрлиқ ва совринлар, вақт ўтиши билан саргайган ҳужжат ва фотосуратлар 60 йил ичида ўзбек спорти эришган марралар ҳақида ҳикоя қилади. Ана шу экспонатлар орасида ветеран Ёқуб Валишоев келтириб берган ҳужжатлар, совринлар ҳам бор.

Ўзбек спорти тараққиётига катта ҳисса қўшган Ёқуб ака ёшлар билан учрашувларининг бирида шундай деганди:

— Ҳозир сизга яратиб берилган шароитни кўриб ҳавасим келади. Биз спорт билан шуғулланишни бошлаган пайтда бундай стадион ва заллар, тир ва сузиш бассейнлари ҳақида дейсиз. Шунга қарамай ёш совет давлати физкультура ва спортга жуда катта эътибор берарди. Ўша оғир йилларда ҳам мусобақалар, спартакиадалар ўтказиб турилганлиги биз спортчилар учун жуда муҳим эди.

Урушдан кейинги йиллар совет спортига чинакам шуҳрат ва довруг олиб келди. Тўғри, ўша йилларда совет спортчиларининг жаҳон ва Европа чемпионатлари, Олимпия ўйинларида эришган катта ютуқларига ўзбек спортчиларининг қўшган улушлари у қадар сезиларли бўлмади. Лекин улар ҳар доим ўз маҳоратларини ошириб бордилар. Мана энди жуда кўплаб спорт турларида Совет Иттифоқи терма командаларини составида мусобақалашаётган вакилларимизнинг саноғига етиш қийин. Рўфат Рисқиев, Собир Рўзиев, Рустам Казаков ва Светлана Ўлмасовалариии бугунги кунда мамлакатимиздагина эмас, балки чет элларда ҳам яхши танийдилар. Уларнинг шунчалик элга довруг бўлишларида Коммунистик партиямиз бошчилик қилаётган совет ҳукуматининг доимий ғамхўрлиги сезилиб турибди. Бу ғамхўрлик СССР янги Конституцияси лойиҳасида ҳам ўз ифодасини топган.

«СССРда ривожланган социалистик жамият қурилиши,— дейилади Конституция лойиҳасида.— Социализм эндиликда ўз негизида ривожланиб бораётган янги тузумнинг бунёдкорлик кучлари, социалистик турмуш тарзининг афзалликлари ва тобора тўлиқрок очилаётган мана шу босқичда меҳнаткашлар буюк революцион ғалабаларининг самараларидан тобора кенгроқ фойдаланмоқдалар».

Жуда аниқ ифодалаб берилган бу сўзлар физкультура ва спорт ходимлари учун ҳам жуда катта аҳамиятга эга. Конституция III бобининг 25-модласи бу айтилган сўзларни яна ҳам мустаҳкамлайди.

Областимизда физкультура ва спорт тараққиёти тарихига назар ташлар эканмиз, партия ва ҳукуматимизнинг бу соҳага доимо ғамхўрлик билан раҳбарлик қилиб келганлигини кўрамиз. Узоққа бориб ўтирмайлик. Кейинги йилларда қўлга киритилган муваффақиятларимизнинг ўзи буни яққол кўрсатиб турибди. Хозирги пайтда ҳар йили областимизда ўнлаб СССР спорт мастери ва халқаро классли спорт мастери, юзлаб мастерликка номзоллар тайёрланяпти. Биринчи ва оммавий разряд нормативларини эса минг-минглаб кишилар бажаришмоқда.

Ана шу муваффақиятларга эришиш учун аввало мустаҳкам база керак. Бизда ҳар томонлама ривожланиш учун барча шароитлар яратиб берилган. Областимизнинг бирор колхоз ва совхозига ёки саноат корхонасига бориб қолгудек бўлсангиз, сизга албатта спорт майдончалари, зал ва стадионларни фахр билан кўрсатадилар. Ана шу база ўз-ўзидан бунёд бўлиб қолмайди-ку! Бу аввало бизга кўрсатилаётган ғамхўрлик, улкан ёрдамнинг бир ифодасидир.

Кўнгилли спорт жамиятларимизда ҳам кўпгина ютуқлар қўлга киритилмоқда, янги-янги режалар мўлжалланмоқда. Айниқса, қишлоқ спортчиларининг севимли «Пахтакор» кўнгилли жамияти бу борада кўпгина ишларни амалга оширмоқда. Хозирги кунда шу жамият марказий совети терма командалари аъзоларининг 60 процентдан кўпроғини областимиз спортчилари ташкил қилиши хўжаликларимизда физкультура ва спорт ишлари намунали йўлга қўйилганлигидан далолат беради. Область вакилларидан Қаҳрамонов, Морозов, Исмоилов, Жўраев ва бошқалар ўтган йили бўлиб ўтган Бутуниттифоқ қишлоқ спорт ўйинларида чемпион ва совриндор леган фахрли номни қўлга киритдилар.

«Меҳнат», «Динамо», «Меҳнат резервлари», кўнгилли спорт жамиятлари, Армия спорт клуби ҳамда область олий спорт маҳорати мактаби коллективлари ҳам умумий муваффақиятларимизга ўзларининг ҳиссаларини қўшмоқдалар. Чирчиқ, Олмалиқ, Бекобод шаҳарларининг физкультура ташкилотлари, Қуйи Чирчиқ районидаги «Политотдел», Оржоникидзе районидаги «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» колхозлари бошланғич физкультура коллективлари олиб бораётган ишлар айниқса эътиборга лойиқ.

Юқорида партия ва ҳукуматимиз бизга доимий ғамхўрлик қилиб келаётганлигини айтиб ўтгандим. Шу ўринда яна бир нарса хусусида тўхталиб ўтмоқчиман. Ўтган йили областимиздан бир кишига «Хизмат кўрсатган физкультура ва спорт ходими» унвони берилди. 4 киши эса Ўзбекистон ССР Олий Советининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотланди. Бу ҳам биз физкультура ва спорт ходимларини республика партия ташкилоти ва ҳукумати ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб турганлигининг ёркин далилидир.

Албатта, физкультура ва спортни ривожлантириш ишида камчиликларимиз ҳам бор. Жумладан, спорт пропагандасида тарбиявий ва маънавий характердаги масалаларга кам эътибор бериляпти. Бундан ташқари айрим физкультура ва спорт ташкилотлари ишида жиддий нуқсонлар мавжуд. Ҳамма колхоз ва совхозларимиз ҳам спортнинг тарбиявий аҳамиятига, унинг саломатлик манбаи эканлигини тушуниб етганлар дейиш қийин. Ваҳоланки, оммавий физкультура ва спорт коммунистик тарбиянинг таркибий қисмларидан бирига айланиб қолган. Шунинг учун ҳам ҳозирги кунда биз бу соҳага эътиборни кучайтириб иш олиб бормоқдамиз.

Асосий Қонунининг лойиҳаси физкультура ва спорт ташкилотларида ҳам кенг ўрганиб чиқилмоқда ва муҳокама қилинмоқда. Бахтимиз Комусида физкультурачи ва спортчиларимиз ўзларига кўрсатилган ғоят катта эътибордан яна бир марта чуқур фахрланиш туйғусини сезмоқдалар. Физкультура ва спорт ҳаракати Конституция лойиҳасида муҳим ўринни эгаллаган. Шу ўринда «Социал ривожланиш ва маданият» деган учинчи бобнинг 25-моддасига қуйидаги қўшимчани киритиб қўйишни таклиф қилардим: **«Физкультура ва спорт коммунистик тарбиянинг ғоят муҳим таркибий қисми бўлиб, давлат томонидан ҳар томонлама рағбатлантирилади».**

Бу сатрлар назаримда ўтган 60 йил ичида эришган ютуқларимизни яна ҳам кенгроқ ифода этган, Коммунистик партия ва совет ҳукуматининг физкультура ва спортга кўрсатиб келаётган тинимсиз ғамхўрлигини яна бир марта намойиш қилган бўларди.

ИЛҒОР КОМСОМОЛ ЁШЛАР ДАВРАСИ

УЛУҒ Октябрнинг 60 йиллик тўйи шарафига областимиз саноати ва қишлоқ хўжалигида социалистик мусобақа тобора авж олмоқда. Давлат планлари ва мажбуриятларнинг муддатидан илгари бажарилишида саноат корхоналари, қурилиш ва транспорт ташкилотлари ҳамда қишлоқ хўжалигининг турли соҳаларида меҳнат қилаётган комсомол-ёшларнинг ҳиссаси каттадир.

Ўтган шанба куни Тошкент область комсомол комитетида ана шу илғор комсомол-ёшлар доира стол атрофида ўзаро фикр алмашдилар.

Давра суҳбатини Тошкент область комсомол комитетининг иккинчи секретари **В. А. Лозицкий** кириш сўзи билан очди. У областимиз халқ хўжалиги планларининг ошириб бажарилишида комсомол-ёшларнинг ҳиссаси салмоқли бўлаётганлигини таъкидлади. Жумладан, юбилей йилининг биринчи ярмида область саноатчилари планга қўшимча равишда ўн минглаб сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаришди. Шунингдек, қишлоқ хўжалиги соҳасида ҳам план кўрсаткичлари кўнгилдагидек. Айни кунларда колхоз ва совхозларда маккажўхори ўрим-йиғимига қизғин тайёргарлик кўриляпти. Маълумки, маккажўхори етиштиришни комсомол-ёшлар ўз оталиқларига олишган. Айрим комсомол-ёшлар бригадалари ҳар гектардан 100 центнердан ошириб ҳосил етиштиришга бел боғлашган.

— Бригадамизда 80 кишидан иборат турли миллат вакиллари меҳнат қилади,— дейди «Чирчиксельмаш» заводи комсомол-ёшлар бригадасининг бошлиғи **Тоир Менсентов.**— биз ўнинчи беш йиллик бошланишида беш йиллик топшириқни уч йилу тўрт ойда бажариш мажбуриятини олган эдик. Ваъдага вафо қилиш учун дастлабки кунларданоқ зарбдор суръат билан иш бошладик. Бригадада авваламбор меҳнат интизомини юксак даражага олиб чиқиш, яширинб ётган резерв ва имкониятларни топиб ишлаб чиқаришга жорий этиш, янги прогрессив иш усулларини татбиқ қилиш кабиларга катта эътибор беряпмиз. Натижада ишимиз унумли бўлмоқда. Айни кунларда 1978 йилнинг сўнгги ойи ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқарямиз. Мана шу муваффақиятлардан руҳланган комсомол-ёшларимиз бамаслаҳат имкониятларни қайта ҳисоблаб чиқиб, беш йиллик бошида олган мажбуриятимизга қўшимча киритдик, яъни, беш йилликни уч йилда бажаришга аҳд қилдик. Бригадамизнинг барча аъзолари асбобсозлар. Шундай экан, бизда сифат — бош масала. Чунки қўлимиздан чиқан ҳар битта асбоб билан юзлаб, минглаб деталлар ишлаб чиқарилади. Агар озгина эътиборсизликка йўл қўйилса, мана шу деталларнинг сифатини бузиш мумкин.

Куйбишев район комсомол комитетининг биринчи секретари **Борис Мамонтов** район саноат корхоналари комсомол-ёшларининг зарбдор фаолияти ҳақида ҳикоя қилди. Районда 28 та саноат корхонаси ва 32 та илмий-тадқиқот ташкилотлари мавжуд. Булар ўзаро ҳамкорликда янгиликларни ишлаб чиқаришга кенг жорий этишмоқда. Июль ойининг охирида Тошкент трактор заводида «МТЗ-80Х» маркали 80 от кучига эга бўлган янги қудратли трактор ишлаб чиқарила бошланди. Тракторсозларнинг бу муваффақиятида комсомол-ёшларнинг ҳиссаси катта. Жумладан, янги трактор ишлаб чиқариш учун трансмиссия корпусини бунёд этишдек масъулиятли ишни комсомоллар ўз оталигига олишган эди. Улар бу объектни ўз муддатида сифатли қилиб фойдаланишга топширишди. Шунингдек, янги маҳсулот ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган корхонани қайта қуроллантириш ишларида ҳам комсомоллар актив иштирок этишди. Тракторсозлар қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари учун йил охирига 1750 та «МТЗ-80Х» агрегати етказиб берадилар.

Чирчиқ трансформатор заводининг маҳсулотлари пишиқ-пухталиги билан фақат Иттифоқимизда эмас, балки чет элларда ҳам кенг шуҳрат қозонган. Завод коллективининг ярмидан кўпи эса комсомол-ёшлардир. Улуғ Октябрнинг 60 йиллигигача корхонада комсомол-ёшлар бригадалари 22 тага етказилади. Улар ўртасида социалистик мусобақа яхши ташкил этилганлиги иш самарадорлиги ва маҳсулот сифатининг юқори даражада бўлишига олиб келяпти. Корхона комсомол-ёшлари Улуғ Октябрь байрами арафасида ўзларининг меҳнатда эришган улкан муваффақиятлари тўғрисида КПСС Марказий Комитетига рапорт ёзиш учун тайёргарлик кўришяпти. Бу рапортга доҳий В. И. Ленин Марказий музейининг Тошкент филиалида имзо чекилади. Заводда комсомол комитетининг секретари **Раҳим Хусанов** шулар ҳақида сўзлаб берди.

В. И. Ленин номли Олмалиқ кон-металлургия комбинати коллективининг меҳнат зафарлари тўғрисида «Қалмоққир» кони комсомол ташкилотининг секретари **Виталий Бекузаров** ҳикоя қилди. Кончи комсомол-ёшлар ўртасида социалистик мусобақа кенг авж олган. Владимир Гулько бошлиқ 28-экскаватор экипажи ўтган ой планини 106 процентга етказиб бажарди ва бу экипаж СССР рангли металлургия саноати Министрлиги бўйича мусобақа ғолиби деб топилди. Бу биз олмалиқлик комсомоллар учун қувончли воқеадир. Ёш касб эгаларининг маҳоратини оширишга алоҳида эътибор бераяпмиз. Яқин кунларда «Саричеку» конида «Энг яхши экскаватор машинисти» ва «Энг яхши БелАЗ ҳайдовчиси» конкурсини ўтказишга тайёргарлик кўряпмиз.

Қуйи Чирчиқ районидаги «Ўзбекистон беш йиллиги» совхозининг илғор сут соғувчиси **Ўктамой Каримова** ўз тажрибаси билан ўртоқлашди. У юбилей йилида ўзига биркитилган сигирларнинг ҳар биридан тўрт ярим тоннага етказиб сут соғиб олишга аҳд қилган.

Оққўрғон районидаги Навоий номли колхозда **Қўшали Исмоилов** бошчилик қилаётган комсомол-ёшлар бригадасининг 15 аъзоси бор. Улар юбилей йилида ҳар гектар ердан 50 центнердан «оқ олтин» етиштиришга бел боғлашган. Бригада бошлиғи доира стол қатнашчиларини мана шу мажбуриятнинг шараф билан адо этилишига ишонтирди. Ундан кейин сўзга чиккан Пискент районидаги 1-«Пискент» совхози комсомол-ёшлар бригадасининг бошлиғи **Абдуқодир Одилов** Исмоилов бошлиқ коллективни мусобақага чақирди. Улар гулдурос қарсаклар садоси остида меҳнат беллашуви шартлари ёзилган шартномага имзо чекишди. А. Одилов бошлиқ 13 кишидан иборат комсомол-ёшлар ҳам 51 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 50 центнердан ҳосил олиш учун курашмоқда.

Оржоникидзе районидаги «Коммунист» колхози маккажўхорикор комсомол-ёшлар бригадасининг бошлиғи **Тамара Шоғиёсова** ўтган йили «қаҳрабо дон» етиштириш бўйича рекорд кўрсаткични қўлга киритди. Бригада бошлиғи ишни намунали ташкил қилиш ва маккажўхоридан мўл ҳосил етиштириш бўйича тажрибадари билан ўртоқлашди.

Илғорларнинг доира стол атрофидаги гурунги сўнгида уларга ВЛКСМ Марказий Комитетининг «Энг яхши ёш пахтакорга», гувоҳномаси ва нишони, «Олтин бошоқ» нишони ҳамда Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг ва Тошкент область комсомол комитетининг Фахрий ёрлиқлари топширилди.

Ҳ. ОЛИМЖОНОВ.

ФАХРЛИ БЕШ БУРЧАК ТАМҒА БИЛАН

Республика виночилик корхоналарининг маҳсулотига 60-сифат белгиси берилди. Тошкент шампань вино заводи тайёрлаб чиқараётган «Нимширин шампань вино» ёрлиғини фахрли беш бурчак тамға безади.

«Узплодоовошчвинпром» бирлашмасининг техника бошқармасида ЎзТАГ мухбирига маълум қилишларича, шу мавсумда вино заводларининг маҳсулот сифати яхшиланди. Корхоналарда ўрнатилган замонавий серунум машина-ускуналар жадал ва ширин винони кўпайтиришга имкон берди. Шулардан кўплари масалан, «Ташкентвино» комбинатининг «Мускат узбекский» виноси олий сифат категориясига сазовор бўлди.

ТАРИХГА БИР НАЗАР

ЎЗБЕК халқи асрлар мобайнида мўл-кўл сув ҳақида орзу қилиб келди. Афсонавий гўзал Ширин қақраб ётган ерларга сув берган баҳодирга ўз қўли ва юрагини тақдим этишга ваъда берган эди. Бу баҳодир —Фарҳод улкан қудратли кетмон ясатиб, тоғ жинсларини кўчира бошлади. Бу жинслар билан Сирдарё сувини тўсиб чўлга сув чиқариш ниятида эди. Бироқ, айёр Хисрав чўлга рух зарраларини сочиб, ойдин тунда худди сув оқиб келаётгандек манзарани кашф этди ва Шириннинг висолига сазовор бўлди. Бу тўғрида хабар топган Фарҳод ўз жонига қасд қилди. Фарҳод ҳалок бўлган тоғ унинг номи билан ҳозир ҳам аталмоқда...

Бу ерда қадим замонларда Фарғона водийсидан Сўғдиёнага борадиган карвон йўли мавжуд бўлган. Фарҳод тоғи этагида жаҳонни ларзага келтирган Искандар Зулқарнайн чодирларини тиккан эди. Мирзачўлнинг қуш учса қаноти, одам юрса оёғи куядиган сахроси жаҳонгашта саркарда ва унинг аскарларининг ҳам юрагига ғулув солган бўлса керак — греклар бундан нарига бормай ортга қайтишган.

Кейинроқ иккита сувсиз чўл —Мирзачўл ва Далварзин ташадиган жойда катта бўлмаган қишлоқ — Бекобод бунёдга келди. Бу қишлоқда Улуғ Октябрь инқилобигача бор-йўғи 200 га яқин лойсувоқ томли уйлар бўлган.

1914 йилда қишлоқнинг «саноати» вужудга келди — цемент ишлаб чиқарадиган цех қурилди ва у Хилково цемент заводи деб аталди. «Бу «завод» йилига 150 минг бочка цемент ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган. Шу тариқа дастлабки ишчилар пайдо бўлди.

Бекободнинг янги ҳаёти 1918 йил май ойидаги Ленин декретидан сўнг бошланди. Унда Туркистондаги ирригация ишларини бажариш учун 50 миллион сўм маблағ ажратиш айтилган. Бу декретда шу нарса ҳам таъкидланган эди: «...Бир миллион сўм Тошкент хазиначилигига, Хасково станциясидаги цемент заводи қурилишининг мудири ихтиёрига ўтказилсин».

1926 йилда цемент заводи ишга тушди. Кейинроқ Бекобод райони ташкил этилди ва Бекобод район маркази бўлиб қолди.

1945 йил 7 майда эса Бекобод шаҳри вужудга келди, Зафар посёлкаси район маркази бўлди.



ТОШКЕНТ асбобсозлик заводининг илғор станокчиси Йўлдош Пўлатов шахсий беш йиллик топшириғини 3,5 йилда бажаришга аҳд қилган. У айни кунларда келгуси йилнинг сўнгги ойлари ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқаряпти.
И. Глауберзон ва В. Сироткин фотоси.

ЭГАТЛАРДАН ТЎППА-ТЎҒРИ ЗАВОДГА

«УЗПЛОДООВОШЧВИНПРОМ» бирлашмасининг корхоналари мавсум бошланганидан бери юз миллион банка сабзавот ва мева консервалари тайёрлаб чиқарди. Республиканинг магазинларига жем, мураббо, мева шарбати, маринадлар, компотлар келтирилди. Узоқ Шимол, Узоқ Шарқ, Камчатка, Сибирга жўнатилди.

Ҳозир Андижон, Фарғона, Китоб ишлаб чиқариш —аграр бирлашмаларининг консерва заводларида ишлар қизғин. Ана шу заводларда «дала—завод» конвейери яхши ишлаб турибди. Корхоналарга хом ашё бетўхтов келтирилмоқда. Янги серунум машина-ускуналар ҳосилни тез қабул қилиб олиб, қайта ишлашга имкон берди. Совхозларда мева ва сабзавот сифатини контрол қилувчи группалар тузилган, ҳосилни махсус контейнерларда қоп-қанорсиз ташиш усули қўлланмоқда.

Юбилей йилида консерва заводларининг меҳнаткашлари топшириқдан ташқари жами 20 миллион банка консерва тайёрлаб чиқаришни мўлжаллаяптилар.

(ЎзТАГ).

ОКТЯБРЬ ВА ЎЗБЕКИСТОН СОЦИАЛ СТРУКТУРАСИ

АСРИМИЗНИНГ энг буюк ва асосий воқеаси — Улуғ Октябрь социалистик революцияси мамлакатимиздаги барча миллат ва элатлар, шу жумладан, ўзбек халқи тақдирида ҳам тарихий бурилиш ясади, уни мустақил тараққиёт, ҳар томонлама социал-иқтисодий ва маданий юксалиш йўлига олиб чиқди. КПСС Марказий Комитетининг «Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллиги тўғрисида»ги қарорида таъкидланганидек, «социалистик экономиканинг узлуксиз ривожланиши асосида совет жамиятининг социал қиёфаси янги белгилар касб эта борди, синфий тафовутлар камайиб, жамиятнинг социал бир хиллиги мустаҳкамлана борди. Ишчилар синфи, колхозчи деҳқонлар ва халқ зиёлиларининг иттифоқи ишчилар синфининг етакчилик роли шароитида мамлакатимизда таркиб топган янги тарихий бирлик — совет халқининг бузилмас, мустаҳкам негизига айланди» СССР янги Конституцияси лойиҳасида ҳам бу қоида ўз аксини тўла топган.

Синфсиз коммунистик жамиятга ўтишдаги муҳим омиллардан бўлган социал бир хилликка эришиш Улуғ Октябрь бошлаб берган янги ижтимоий воқеалардан бири ҳисобланади. Шу сабабли, бу жараённи кенг кўламда Совет Ўзбекистони мисолида илмий анализ қилишга бағишланган янги йирик монографик асар — фалсафа фанлари доктори, профессор С. Турсунмуҳамедовнинг «Улуғ Октябрь ва Совет Ўзбекистони социал структурасининг ўзгариши» номли китоби алоҳида қизиқиш уйғотади.[1] Халқлар Дўстлиги орденли «Ўзбекистон» нашриёти томонидан яқинда илмий жамоатчилик ва кенг ўқувчилар оммаси эътиборига ҳавола қилинган ва китоб Ўзбекистонда Улуғ Октябрь ғалабаси натижасида юз берган янги социал структуранинг шаклланиши, ундаги ўзгаришларнинг моҳияти, умумий қонуниятлари, ўзига хос хусусиятлари ва асосий таъсир факторларини узоқ изланишлар давомида тўпланган бой фактик материаллар асосида ёритиб ва умумлаштириб берувчи биринчи йирик илмий асардир.

Монографиянинг «Улуғ Октябрь социалистик революцияси — Ўзбекистон социал структураси тубдан ўзгаришининг асоси» номли биринчи бобида социалистик революцияга қадар Туркистон ўлкаси социал структурасининг асосий хусусиятлари ва моҳияти, Октябрь ғалабасидан сўнг республикамизда эксплуататор синфларнинг тугатилиши, социалистик қурилиш йиллари Ўзбекистон янги социал структураси шаклланишининг умумий қонуниятлари ва ўзига хос хусусиятлари каби масалалар ўз аксини топган.

«Ривожланган социализм шароитида Ўзбекистон социал структурасининг ўзгариши» деб номланган иккинчи боб ҳозирги даврда республикамиз социал структурасини янада мукаммаллаштириш билан боғлиқ бўлган назарий ва амалий масалалар таҳлилига бағишланган. Автор кўп миллатли мамлакатимизда социалистик ва коммунистик жамият қуриш, бир хил социал структурани шакллантириш тажрибасини ўрганиш натижасида СССРдаги барча миллат ва элатлар социал структурасини тубдан ўзгартиришнинг асосий йўл ва воситалари муштарак қонуниятларга эга эканлигини кўрсатиб берган. Айни замонда, бу қонуниятлар совет халқларининг янги социал структураси шаклланишида айрим ўзига хос хусусиятлар билан бойиб борди.

Ўзбекистоннинг янги социал структураси шаклланишига Улуғ Октябрнинг ғалабаси, КПСС изчиллик билан амалга ошира борган социал сиёсати, шу билан бирга совет халқлари дўстлигининг кўрсатган таъсирини ёритишга бўлган интилиш асарнинг муҳим ижобий хусусиятларидан бирини ташкил қилади. Рус ишчилар синфи билан Совет Шарқи, жумладан, Ўзбекистон халқлари ўртасида вужудга келган иттифоқ ва дўстлик йил сайин мустаҳкамланиб бориши республикамиздаги иқтисодий ва маданий қолоқликни тугатишда, унинг социал структурасини ўзгартиришда муҳим омиллардан бири бўлди.

Асарда айниқса коммунистик қурилишдаги етакчи куч — ишчилар синфининг шаклланиши, унинг сиёсий, илмий-техник, маданий савиясининг тобора ошиб боришини кўрсатишга катта эътибор берилган. Социалистик қурилиш йиллари Ўзбекистонда ишчилар синфининг сони жадал сўръатлар билан ошиб борди. Масалан, республиканинг бутун халқ хўжалигидаги ишчи ва хизматчиларнинг ўртача сони 1937 йили 1929 йилдагига нисбатан 2,8 марта кўпайиб, 572,9 минг кишига етди. Ишчилар синфи умуман кўпайиб бориши жараёнида айниқса маҳаллий миллатлар ичидан етишиб чиққан ишчилар сони тез ўсиб борди. Агар республикамизда революцияга қадар ишчилар барча аҳолининг бир процентини ҳам ташкил этмаган бўлса, эндиликда бу рақам 50 процентдан ортиқроқдир. Ишчилар синфининг сони ўсиши билан бирга унинг илмий-техникавий ва умумий таълим даражаси, маданий савияси ҳам ошиб бормоқда. Агар 1959 йили ҳар бир минг ишчидан 386 киши олий ва ўрта маълумотли бўлса, ҳозир 550 кишини ташкил этади.

Совет жамиятининг сиёсий асосини ишчилар синфи билан колхозчи деҳқонлар иттифоқи ташкил этади. Асарда шу боисдан ҳам республика қишлоқ аҳолиси социал структураси ўзгариши масалаларига катта эътибор берилган. Колхоз тузумининг ғалабаси қишлоқ турмушини тубдан ўзгартириб юборди, ўзбек қишлоғи қолоқлик ва қашшоқликдан қутулиб, фан-техника тараққиёти, илғор социалистик маданият ўчоғи бўлиб қолди. Социалистик қурилиш жараёнида қишлоқ интеллигенцияси — врачлар, ўқитувчилар, инженер-механизаторлар, қишлоқ хўжалиги мутахассислари — етишиб чиққанлиги бунинг ёрқин далилидир. Ҳозирги ўзбек қишлоғи социал структурасининг 35,2 процентини ишчилар, 13,7 процентини хизматчилар, 51,1 процентини колхозчилар ташкил этади.

Октябрь революциясига қадар ўзбек қишлоғи ўзининг социал структурасига кўра фақат деҳқонлардан иборат бўлган бўлса, бугунги кунда бу ерда турли синф ва социал группа вакиллари: колхозчи деҳқонлар, совхоз ишчи ва хизматчилари, қишлоқдаги саноат ва қурилиш корхоналари ишчи-хизматчилари, қишлоқ зиёлилари ва ҳоказолар яшаб, меҳнат қилмоқдалар. Бу — ҳақиқатан социализмнинг, қишлоқ ва шаҳар аҳолиси социал структураси бир хил бўлишига қаратилган КПСС ленинча миллий сиёсатининг ғалабасидир.

Коммунистик қурилиш жараёнида шаҳар ва қишлоқ аҳолиси нисбатида ҳам жиддий ўзгаришлар содир бўлди. Шаҳар аҳолисининг ўсиши мамлакатимиз социал структураси ўзгаришидаги умумий қонуниятлардан бири бўлиб қолди. Ўзбекистонда шаҳар аҳолисининг салмоғи 1922 йили 19 процентдан иборат бўлган бўлса, 1975 йилга келиб 38,4 процентни ташкил этди. Шу билан бирга, асарда, ўзбек қишлоғи аҳолисининг абсолют сони, бутун мамлакатимизга хос хусусият — йил сайин камайиб боришидан фарқли равишда, тобора ортиб бориш тенденциялари ҳам анализ қилинган. Агар 1958 йили республикамиз қишлоқ аҳолиси 5 миллиондан ортиқ кишини ташкил этган бўлса, 1975 йилга келиб бу кўрсаткич 8 млн. 430 минг кишига етди.

Монографиянинг каттагина қисми Ўзбекистонда совет интеллигенциясини кадрларини тайёрлаш жараёнини анализ қилишга бағишланган. Республикада қисқа муддат ичида маданий қолоқликнинг тугатилиши ва ўзбек совет зиёлиларининг катта отряди етишиб чиқиши КПСС ленинча миллий сиёсатининг тантанасидир. 1975 йилга келиб республика халқ хўжалитидаги олий ва ўрта махсус маълумотли мутахассисларнинг умумий сони 700 мингга яқин кишини ташкил етди. Совет Ўзбекистони юқори малакали мутахассислар тайёрлаш миқдори бўйича бугунги кунда Англия, Франция, ГФР каби ривожланган капиталистик мамлакатлардан ўзиб кетди.

КПСС XXV съездида таъкидланганидек «партиянинг сиёсати ишчилар синфи, колхозчи деҳқонлар ва зиёлилари бир-бири билан яқинлаштиришга, шаҳар билан қишлоқ ўртасидаги, ақлий ва жисмоний меҳнат ўртасидаги муҳим тафовутларни аста-секин бартараф қилишга қаратилган. Бу — синфсиз коммунистик жамият қурилишидаги энг асосий соҳалардан биридир». Шунга асосланиб муаллиф ўз асарида ҳозирги ривожланган социализм жамияти социал структурасининг меҳнаткаш дўст синфлар ва группалар мавжудлиги билан, уларнинг иқтисодий социал-сиёсий ва ғоявий мақсадлари бирлиги билан, коммунизм қурилишида умумий манфаатдорлиги билан характерланишини кўрсатиб берган.

Профессор С. Турсунмуҳамедовнинг яхши безатилган ва полиграфик маҳорат билан нашр қилинган янги асари мутахассислар, олий мактаб ўқитувчи, аспирант ва студентлари учун ўзига хос қўлланма бўлиб хизмат қилиши, кўп сонли лектор ва пропагандистларнинг Улуғ Октябрь социалистик революциясининг шонли 60 йиллиги арафасидаги оммавий-сиёсий ишларида ёрдам кўрсатиши шубҳасиздир.

С. САИДҚОСИМОВ,
фалсафа фанлари кандидати.

1) **С. ТУРСУНМУҲАМЕДОВ. Улуғ Октябрь ва Совет Ўзбекистони социал структурасининг ўзгариши. Тошкент, «Ўзбекистон» нашриёти, 1977.**





ВАЛЛОМАНИНГ МАЖБУРИЯТИ —60 ЦЕНТНЕРДАН

БЕКОБОД. (Ўз мухбиримиздан). Пахтакорлар ҳосилдорликни ошириш, деҳқончилик маданиятини такомиллаштириш, ердан самарали фойдаланиш учун ҳар хил усулларни қўлламоқдалар. Илғор тажрибаларни ўз шароитларини ҳисобга олиб, дадил жорий этмоқдалар. Ана шундай ният ва зўр иштиёқ билан ишлаб, мўл ҳосил етиштираётган ташаббускор кишилар Бекобод районидаги Ойбек номли совхозда ҳам оз эмас. Бундай кишиларни совхоз ишчилари карвонбошиларимиз, дейдилар.

Валлами Тўхтабоевнинг номи совхоздагина эмас, областимизда ҳам машҳур. Ўтган йили Тўхтабоев бошлиқ бригада аъзолари 117 гектар ерга қўшқатор қилиб чигит экиб, гектаридан 47,5 центнердан пахта ҳосили олиб, совхозда энг юқори кўрсаткичга эришдилар. Бригада аъзоларини бу йил янги ташаббус билан майдонга чиқдилар. Улар Октябрь революциясининг 60 йиллик юбилейини ҳосилдорликни 60 центнерга етказиш билан нишонлаймиз, деб мажбурият олдилар. Шу ниятда ҳормай-толмай меҳнат қилмоқдалар.

Нурмат Нуралиев, Назарали Олмирзаев, Абдуваит Шодиевларни совхоздагилар Тўхтабоевнинг издошлари дейдилар. Бу бежиз эмас. Чунки улар бошлиқ бригадаларда ҳам ҳосилдорлик йилдан йилга кўтарилиб, хирмонга барака кириб бораяпти. Бултур шу бригадаларда ҳосилдорлик 38—42 центнерга етди. Улар ҳам илғорлар даражасига етиб олиш учун дадил қадам ташламоқдалар. Юбилей йилида улар гектаридан 40—45 центнердан ҳосил оламиз, деб аҳду-паймон қилганлар.

Маълумки, совхоздаги ҳамма ерлар бир хил эмас. Қумлоқ ва қир, ғўза паст ўсадиган ерлар оз эмас. Ана шундай ерлардан юқори ҳосил олишга интилаётган ва дастлабки натижаларга эришган азаматлар ҳам бор. Совхознинг 5-бўлимидаги Мамарасул Кенжаев бошлиқ бригада иши бунга мисолдир.

Ана, Мамарасул Кенжаев бошлиқ бригада даласи. Бу ердаги ғўзанинг ривожи, ҳосил олиш анча дуруст. Қатор ораларида бегона ўт кўринмайди. Ғўзанинг 20 сантиметрли оралиғидаги ерлар ҳам юмшатиб қўйилган. Бўлим бошлиғи Пардабой Жабборов изоҳ бера бошлади:

— Қатор оралиғини 20 сантиметр юмшатиш, қўл меҳнатини камайтириш мақсадида трактор махсус мослама ўрнатдик. Шу мослама қўшқатор оралигидаги ерни бўшатиб кетаяпти. Умуман кам ҳосилли ерларга қўшқатор қилиб чигит экилса ёмон бўлмас экан.

Ойбек номли совхоз коллективи юбилей йилида 7600 тонналик хирмон кўтаришга аҳд қилган. Совхоз ишчилари шу кунларда ғўза парваришини бўшаштирмай давом эттирмоқдалар. Айниқса, улар ҳаво иссиқ кунларда ғўзани чаңқатиб кўймасликка алоҳида эътибор бермоқдалар. Ҳар йили совхозда 170—180 киши ғўзага сув тарар эди. Бу йил 220 киши ғўзани суғориш билан банд.

Совхоз механизаторлари ҳам катта ҳиммат билан меҳнат қилишмоқда. Улар ялпи ҳосилнинг 6000 тоннасини машина билан териб олишга астойдил бел боғлаб, ғўза парваришини давом эттирмоқдалар ва йиғим-теримга ҳам пухта тайёргарлик кўрмоқдалар. Ҳозир 70 механизатор пахта теримига шайланиб турипти. Бундан ташқари ёшлардан 30 киши механизаторлар курсида ўқимоқда.

Совхоз устахонасида ҳам иш қизғин. 45 та пахта, 8 та кўрак, 10 та ерга тўкилган пахтани терадиган машиналарни, бошқа терим агрегатларини мавсум бошлангунга қадар тўла ремонтдан чиқариб қўйиш учун астойдил ҳаракат қилмоқдалар.

— Биз, — дейди совхоз директори З. Ғозиев, — Ўрта Чирчиқ районидаги «Северний маяк» колхози меҳнаткашларининг 1977 йил ҳосилини ёрдамчиларсиз, ўз кучлари билан териб олиш юзасидан матбуотда эълон қилинган тадбирлари билан танишиб чиқдик. Бу тадбирларни муҳокама қилишга бағишланган йиғилишда механизаторлардан М. Мирзаев, А. Ербоев, В. Тўхтабоев сингари моҳир механик-ҳайдовчилар сўзга чиқиб мавсумда 200—250 тоннадан пахта теришга сўз бердилар. Шу йиғилишда машина теримини намунали ташкил этиш, ҳосилни мумкин қадар ўз кучимиз билан териб олишга қаратилган янги тадбирлар белгиланди.

Б. ХАЛИЛОВ.

БЎКА районидаги «Коммунизм» колхози аъзолари бу йил 42 гектар ерга маккажўхори экишган. Шундан 27 гектари силосбоп қилиб ўстирилди. Ҳозир гектарига пландаги 350 центнер ўрнига 500 центнердан силос бостирилмоқда. Дон учун экилган маккажўхори ҳам сифатли парвариш қилингани туфайли мўл ҳосил тупланмоқда. Суратда: (чапдан) комбайнчи Ҳ. Аҳмедов, колхоз партия ташкилотининг секретари Ш. Содиқов, трактор чи Р. Раимқуловлар бўлиқ сўталарни кўздан кечирмоқдалар.

Ж. Тўраев фотолари.

ҲАР ТУП ҒЎЗА СЕРҲОСИЛ БЎЛАДИ

Улуғ Октябрнинг 60 йиллиги шарафига меҳнат вахтасида туриб ишлаётган Абдураим Шербўтаев бошлиқ бригада деҳқонлари ҳосилга ҳосил қўшишни қизғин давом эттирмоқдалар. Улар августда ғўзани икки марта комплекс парвариш қилишга бел боғлаган. Механизаторлар тракторларнинг олд томонига тўсиқлар ўрнатиб, экинни меҳр билан культивация қилишяпти. Ниҳолларнинг пайхон бўлишига, ҳосил шоҳларининг синиб кетишига йўл қўйилмаяпти.

Сувчилар ғўзани кечаси-ю кундузи қониб сув ичишига ҳаракат қилишяпти. Музаффар Юсупов кунига бир гектар ердаги ғўзани сифатли сугормоқда. Тожи Солиев, Хўжа Алдаев, Зуфар Юсупов каби сувчилар ҳам ишда намуна кўрсатмоқдалар.

— Деҳқонларимиз, — дейди бригада бошлиғи, — ҳар бир кундан самарали фойдаланиб, гул, кўсакларни кўпайтиришга ҳаракат қилишяпти. Ғўзанинг ривожи суст майдонларга шарбат суви берилмоқда. Маррамиз 45 центнер. Кўчатларни белгиланган қалинликда сақлаб, ҳар тупида камида 10—12 тадан кўсак етиштиришга эришамиз.

А. ОРИПОВ,
Чиноз районидаги «Қизил Октябрь» колхози.

ШИРИН-ШАКАР УЗУМЛАР

УЛУҒ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллигига уч йиллик планни бажаришга сўз берамиз. 63 гектар узумзорда ҳосилдорликни 238 центнерга етказамиз.

Бригадамиз аъзолари юбилей йилида ана шундай эзгу-ният билан меҳнат қилмоқдалар. Бизнинг бу ташаббусимиз область партия комитети томонидан маъқулланди. Айни кунларда ишчиларимиз шу юксак мажбуриятни бажариш йўлида ҳамма резерв ва имкониятларни ишга соляптилар. Узумзорларга учинчи маротаба ишлов бераяпмиз. Ҳар гектар майдонга 400 килограммдан минерал ўғит бериляпти. Майдонларга шарбат суви оқизиш йўли билан ҳам токларни озиқлантиряпмиз.

Бу йил ҳам узумзорларимизда мўл ҳосил етиштирдик. Дастлабки ҳисоб-китоблар етиштирилган ҳосилни ўтган йилдагидан кам эмаслигини кўрсатиб турибди. Ўтган йили ҳар гектар майдондан 230 центнердан узум ҳосили йиғиштириб олган эдик.

Эртапишар узумлар ранг бериб турибди. Уларга маза кирган. Бригадамиз аъзолари шу кунларда эртаки узум ҳосилини йиғиштириб олишни бошлаб юбордилар. Бунинг учун аввалдан керакли яшчиклар, тош-торози тайёрлаб қўйилди. Узумзорларимизда етиштирилган дастлабки ҳосил ҳамшаҳарларимиз дастурхонига, бепоён мамлакатимизнинг йирик саноат шаҳарларига етказиб берилади.

Кечки узумлар етилмоқда. Соҳибкорлар учун долзарб палла мана энди бошланади. Ҳамма куч ва техника воситаларини етиштирилган ҳосилни нес-нобуд қилмай йиғиштириб олишга қаратамиз. Бригадамизга бириктирилган транспорт тракторлари, вино пунктларига узум ташиб берувчи бункерлар сифатли ремонтдан чиқарилиб, мавсумга шай қилиб қўйилган.

Боғдорчилик ишига йил сайин илғор фан ютуқлари, техника воситаларини кенг жорий қилиш катта иқтисодий самара беряпти. Эндиликда бригадамизда, умуман совхозимизда токларни очиш, кўмиш, қатор ораларига ишлов бериш, озиқлантириш, ток новдалари бачки барғларини қирқиб ташлаш каби катта куч талаб қилувчи ишлар техника ёрдамида бажарилмоқда. Бунинг натижасида меҳнат унумдорлиги ортиб, маҳсулот таннархи камайиб бораяпти. Масалан, бригадамизда 1 центнер узум етиштириш учун 10 сўм 30 тийин миқдорида маблағ сарфланаётир.

Коллективимизнинг меҳнатсевар соҳибкорлари буюк инқилобнинг 60 йиллик тўйини муносиб кутиб олиш учун эл дастурхонига 1500 тонна сифатли маҳсулот етказиб беришлари керак. Узумзорларимизда юксак мажбуриятимизга яраша ҳосил бор. Ана шу ҳосилни нес-нобуд қилмай йиғиштириб олсак, ўз сўзимиз устидан чиқиб, юбилей тантанаси кунигача уч йиллик планни бажарган бўламиз.

Р. МИРЗАХУЖАЕВ,
Оржоникидзе районидаги «Қибрай» совхоз-заводи узумчилик бригадаси бошлиғи.

Дунё овози
чет эл хабарлари

ЖАҲОН БЎЙЛАБ

СОФИЯ. 50 минг кишига мўлжалланган йўлдош шаҳар қурилиши лойиҳаси тасдиқланди. Бу шаҳар Болгариянинг йирик саноат ва маданий маркази Стара—Загора яқинида барпо этилади. Баланд уй-жойлар ўрмон массиви яқинида жойлаштирилади ва бу ерларда якка тартибда бир қаватли уйлар ҳам қурилади. Лойиҳа айни вақтда савдо-сотиқ, маданият ва спорт объектлари қурилишини ҳам кўзда тутади.

ВАШИНГТОН. Чет элларда ўз маҳсулотининг сотилишини таъминлаш учун чет эллардаги расмий шахсларни пора бериб сотиб олиш билан шуғулланаётган Америка компаниялари рўйхатига яна бир компания келиб қўшилди. АҚШнинг қимматли қоғоз операциялари устидан назорат қилувчи комиссияси саноат учун машина-ускуналар тайёрловчи «Эй-ти-Оу» фирмасини қонунга хилоф молиявий найранг ишлатишда айблади. Комиссиянинг баёнотида қуйидагилар хабар қилинади: фирма эгалари Ғарбий Европа, Африка, Яқин Шарқ ва Марказий Америкадаги бир қанча мамлакатларнинг ҳукумат амалдорларига яширинча 1,2 миллиард доллар пул берганлар.

Кейинги вақтларда АҚШдаги корпорациялардан тахминан 400 таси шундай найрангларда қатнашган. Аммо пора бериб сотиқ олиш билан шуғулланувчи корхона эгаларининг бирортаси ҳам шу пайтгача жавобгарликка тортилмаган.

КОТОНУ. Бенин Халқ Республикаси билан Португалия республикаси дўстона муносабатлар ва ҳамкорликни мустаҳкамлаш мақсадида элчихоналар даражасида дипломатия муносабатлари ўрнатишга қарор берганликлари бу ерда эълон қилинди.

(ТАСС, 1 август).

ЁШ РЕСПУБЛИКАНИНГ ВАЗИФАЛАРИ

НАЙРОБИ, 1 август. (ТАСС). Жибути шу йил 27 июнда мустақил деб эълон қилинган эди. Жибути республикасининг ҳукумати аҳолининг манфаатларини кўзлаб кенг ҳаракат программасини ишлаб чиқди. Ҳукумат эски маъмурият қайта қуриб, маҳаллий жойларга яқинлаштириш, меҳнаткашларнинг кооперативларини вужудга келтириш ва кооператив ишлаб чиқаришни рағбатлантириш, саноат ва қишлоқ хўжалигини ривожлантириш тадбирларини кўриш ниятидадир. Қишлоқ хўжалигини, балиқчиликни, қайта ишлаб берувчи майда саноат корхоналарини, кейинчалик эса порт ишлари билан боғлиқ бўлган тармоқларни ва кон саноатини ривожлантиришга алоҳида эътибор берилади.

Янги ҳукуматнинг программасида экономикани юксалтириш зарур эканлиги алоҳида кўрсатиб ўтилади. Иқтисодий масалаларни ҳал этиш, деб таъкидлаб ўтилади программада, бошқа ҳамма проблемаларни — социал проблемаларни ҳам, сиёсий проблемаларни ҳам ҳал этиш негизидир.

Ҳукумат программасида мамлакатнинг миллий бирлигини мустаҳкамлаш масалаларига, қабилалар орасидаги адоватга қарши курашга анча катта ўрин берилган.

Ёш республика ташқи сиёсат соҳасида барча мамлакатлар билан ва аввало ўз қўшнилари — Сомали ва Эфиопия билан дўстлик ҳамда ҳамкорлик сиёсатини ўтказиш ниятидадир. Бу республика БМТ, Африка Бирлиги Ташкилоти ва араб мамлакатлари иттифоқининг принципларини тўла-тўкис қўллаб-қувватлайди.

ПЕРУ КОММУНИСТЛАРИНИНГ ФИКРИ

ЛИМА, 1 август. (ТАСС). Перу Компартияси Перу ҳукуматининг мамлакатни демократик тараққиёт йўлидан олиб бориш, революцион жараён талабаларини сақлаш ва мустаҳкамлаш ҳамда асосий социал-иқтисодий ўзгаришларни мустаҳкамловчи конституция ёрдамида ҳокимиятни граждан шахслар қўлига топширишни таъминлаш ниятларига ижобий баҳо бермоқда. Перу Компартияси Марказий Комитетининг бош секретари Хорхе Дель Прадо бу ерда мамлалат мустақил деб эълон қилинган куннинг 156 йиллиги муносабати билан Перу президенти Франсиско Моралес Бермудесеннинг яқинда сўзлаган нутқини шарҳлаб, ана шу гапларни айтди.

У репрессия руҳидаги декретларни бекор қилишга, ҳамкорга олинган касаба союз раҳбарларини озод қилишга даъват этди.

ПЕКИНДА ЮБИЛЕЙНИ ШУНДАЙ НИШОНЛАДИЛАР

ПЕКИН. 1 август. (ТАСС). Хитой армиясининг 50 йиллиги муносабати билан Пекинда Хуа Го — Фэн раислигида митинг бўлиб ўтди. Митингда Дэн Сяо-Пин ва хитойнинг бошқа раҳбарлари ҳозир бўлдилар. Мудофаа министри Е Цзянь-Ин нутқ сўзлади. У ўз нутқида мамлакатни милитарлаштиришга, ҳарбий саноатни ривожлантиришга, армияни «революционлаштириш» ва модернизация қилишни жадаллаштиришга зўр бериб даъват этди. У Мао Цзе-Дуннинг «халқ уруши» концепциясини яна такрорлади.

Бу нутқ Пекин раҳбарлари бундан буён ҳам васвасани авж олдириш, мамлакатда «қамалда қолган истеҳком» вазиятини вужудга келтириш ниятида эканлигини кўрсатиб турибди.

Нутқда ташқи сиёсат масалаларида Мао Цзэ-Дуннинг «Уч дунё» назарияси такрорланди ва Совет Иттифоқи ҳамда социалистик лагердаги мамлакатлар шаънига одатдаги тухмат гаплар айтилди.



СССР билан Франция Қуролли Кучлари ўртасидаги ўзаро алоқалар тўғрисидаги битимга мувофиқ «Нормандия-Неман» француз эскадрильяси Совет Иттифоқида меҳмон бўлди. Суратда: совет пионерлари француз учувчиларини табриклашмоқда.

В. Зуфаров фотоси, ТАСС фотохроникаси.





«ТОШКЕНТ» АЭРОЛОГИЯ СТАНЦИЯСИ

Радиозонд ҳар суткада тўрт марта ишга тушади. Натижада у шамолнинг йўналишини, ҳавонинг намлигини, даражасини ва бошқа зарур маълумотларни аниқлаб беради.

Ушбу фоторепортаж радиозондининг ишга туширилиш пайтида фотообъективга олинган. Техник аэролог Ольга Агафонова радиозонд ускунасини кўздан кечираяпти. Радиозондининг учиш пайтида локатор созланяпти. Радиозонд учиш арафасида.

И. Глауберзон ва В. Сироткин фотолари.





ПОЙТАХТИМИЗ МЕҲМОНЛАРИ

САҲНАДА—ЛИЛИ ИВАНОВА

Лили Иванова — машҳур болгар эстрада куйчиси Самарқандда бешта концерт бериб, ҳозир Тошкентда ўз ашула санъатини «Маки» («Лолалар») вокал инструментал ансамбли билан намойиш қилмоқда.

Болгария Халқ Республикасида хизмат кўрсатган артистка Лили Иванова ўзининг ҳаёт йўлини кичкина Кубрат шаҳарчасида ҳамшира лавозимидан бошлаган.

— Мен болалигимдан мусиқани севар эдим,— деди Лили Иванова,— аммо профессионал куйчи бўлиш тўғрисида ҳеч ўйламасдим. Мен Варна шаҳрида медицина техникумини битириб икки йил ўз она шаҳрим Кубратда ҳамшира бўлиб ишладим. Ишдан кейин бадиий ҳаваскорлар ансамблида қатнашиб келардим.

Ҳа, у ҳеч аккардеон билан хайрлашмасди ва ўзининг шаҳарчасида машҳур куйчи бўлиб қолган эди. Унинг отаси — шофер, онаси ва опаси ҳеч ўйламасдиларки, бир неча йилдан кейин жажжигина қизча Лили Болгария эстрадаси осмонида ярақлаган юлдузи бўлиб қолишини. Бир куни Руси шаҳрида ёш ҳаваскор артистлар конкурси ўтиб борар эди ва шу ерга Лилига ўртоқлари бор дейишди. Икки ой ўтгач Лилини София филармониясига таклиф қилишди, кейинроқ у шу ерда консерваторияни битирди.

Ҳозир Лили Иванова бутун дунёга машҳур. Унинг гастроллари беш қитъа бўйлаб ўтган. 1965 йилдан бошлаб у СССРга ҳар йили келиб туради. Шундан бери у беш марта Ўзбекистонга келди.

— Бу ўлкани жуда севиб қолганман,— дейди Л. Иванова. Ахир Ўзбекистон ва Болгария узоқ йиллардан дўст бўлиб келган. Дўстлар билан учрашув, дўстлар учун куйлаш менинг учун катта бахт деб ўйлайман.

Шуниси қизиқки, 1966 йилда Лили Ивановага Братиславада бўлиб ўтган халқаро эстрада конкурсида энг катта соврин — «олтин калит» беришди. Ҳа, бу «олтин калит» ростдан унга катта саҳнага эшик очиб берди. 1968 йилда Канни шаҳрида унга «олтин пластинка» беришди. Унинг куйлари ёзилган пластинкалар тиражи 1 миллионга етди. Кейинроқ артистка София, Барселона, Париж, Варшава, Сопот, Токио, Қоҳира шаҳарларида ғолиб чиқди. Унинг ижодий йўллари Африка, Осиё, Ғарбий Европа, Латин Америкаси, Австралия ҳатто Океания мамлакатлари бўйлаб ўтди ва ўтиб келаяпти.

Тошкентда ўтаётган концерт вақтида биз Лили Ивановадан унинг репертуарлари ҳақида сўрадик:

— Эстрададаги сизнинг севган темангиз қандай?

— Бу севги. Мен севги ҳақидаги куйларга интизорман. Ва энг яхши кўрган ашулам «О море!» «Море младосте» (О денгиз! Ёшлик денгизи!) деб биламан.

— Ашуладан ташқари нимани севасиз?

— Ахир мен аёлман, Овқат пиширишни яхши кўраман. Эсимда, бир Тошкентга келганимда палов тайёрлашни ўрганган эдим. Тез-тез бу таомни уйимда тайёрлаб тураман.

— Сизни бир фоторепортер журналда сут ичаётган вактингизда суратга туширибди?..

— Ҳа, сутни севаман, у менинг таомномамга киритилган. Нимага десангиз касалхонада ишлаган йилларимдан севиб қолганман ва папирос-сигарет чекишни, аччиқ ичимликлар ичишни, соатлаб бекордан-бекор ресторанларда ўтиришни ёмон кўраман. Ахир бу артист учун ярамайди. Одамларга куй совға қилишдан бошқа энг катта бахт, йўқдир.

Ш. ЗАИНУТДИНОВ.

ОКТЯБРЬ ТЕНГДОШЛАРИ

МОҲИР ШИФОКОР

БУ МЕҲРИ дарё шифокор мана 40 йилдирки, севимли касбни ардоқлаб келяпти. Республика Онкология диспансерида радиология бўлими бошлиги сифатида катта фаолият кўрсатаётган врач Гулжаҳон Икромова коллективнинг фахри бўлиб қолди.

Моҳир онколог бўлиб етишиш учун Гулжаҳон опа кўп изланди, олға интилди.

Улуғ Октябрь билан тенгдош бўлган Г. Икромова 1930 йилда Тошкентдаги педагогика билим юртига ўқишга кирди. У бугунги кунда кенг танилган Тожихон Шокирова, Ҳури Минаварова, Хайри Нажмиддинова, Тожихон Отаева ва Шарифа Шокирова каби дугоналари билан бирга таҳсил кўрди.

Ўрта Осиё медицина институти даволаш факультетидаги студентлик йиллари ҳам ортда қолди. Гулжаҳондаги илмга бўлган иштиёқ уни аспирантурага етаклади. У яна илм дарёсига шўнгиди.

Ёш тадқиқотчи институтнинг патологик физиология кафедрасида профессор Терехов қўл остида илмий ходим бўлиб ишлай бошлади. Аммо, 1941 йилда бошланган Улуғ Ватан уруши Гулжаҳоннинг ўқишни давом эттиришига имкон бермади. У Қибрайдаги касалхонага йўлланма олди ва бош врач вазифасида ишлади. Орадан кўп вақт ўтмай унинг раҳбарлигида бу ерда ҳарбий госпиталь ташкил қилинди.

Шифокорнинг Улуғ Ватан уруши ва урушдан кейинги йилларидаги фидокорона меҳнати муносиб тақдирланди. Унга «Соғлиқни сақлаш аълочиси» нишони, кейинчалик Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган врач унвони берилди.

Бу ерда у беморларни даволаб, бой тажриба тўплаган эди. Хусусан онкология мутахассислиги бўйича кўп нарсадан хабардор бўлди. Шунинг учун медицинанинг бу соҳасига жиддий шуғулланишга қарор қилди. Онкология билими ва амалиёти олдида турган муаммоларга қўл урди.

Рак касаллигининг олдини олиш ва даволаш усулларини мукаммал ўзлаштириш мақсадида Тошкентдаги врачлар малакасини ошириш институтининг онкология кафедрасининг клиник ординатурасида ўз билим ва тажрибасини оширди. Бунда унга тажрибали терапевт Лидия Александровна Дунаева яқиндан ёрдам берди.

Рак касаллигини рентген нурлари ёрдамида даволаш мутахассиси бўлиб етишган Г. Икромованинг Ленинград шаҳрида олиб борган изланишлари билимига-билим, тажрибасига тажриба қўшди. Касалликни радиоактив нурлар билан даволашнинг илғор усулларини пухта ўрганди. Айниқса, қорин бўшлиқларида, меъдада, ўпка, томоқ, қулоқ, бурундаги «ўсма»ларни, шунингдек, юздаги ангиома (туғма доғ — катта холлар)ни даволаш борасида амалий кўникма ҳосил қилди.

Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлигида бош радиолог вазифасидаги фаолияти ҳам самарали бўлди. У республикамиз областларида жойлашган онколог диспансерлар қошида, радиология бўлимларини ташкил этишга, медицина илмий-текшириш институтларида лабораторияларни очишга ўз ҳиссасини қўшди.

Истеъдодли врач Гулжаҳон опанинг кейинги деярлик чорак асрлик фаолияти республика Онкология диспансерида ўтаяпти. У ҳозир шу даргоҳнинг радиология бўлими бошлиги. Айни вақтда даволовчи врач бўлиб хизмат қилиб келмоқда.

Операциясиз, дори-дармонсиз, фақат махсус аппарат ёрдамида радноактив нурлар билан даволаш бўйича яхши тажриба орттирган шифокор кўплаб беморларни оғир дардлан халос этди.

Моҳир онколог улардан миннатдорчилик мактубларини олиб туради.

— Ҳурматли Гулжаҳон опа, — деб ёзади самаркандлик ёш ўқитувчи Ҳ. Т. — кўзим ёнида пайдо бўлган ўсимта туфайли севган касбимни тарк этмоқчи бўлган эдим. Аммо, Совет медицинаси туфайли диспансерда даволаниб яна ўз касбимга қайтдим.

Азиз Гулжаҳон опа! Сиздек фидоий шифокорга минг раҳмат!».

Тиниб-тинчимас шифокор ҳозир академик Л. Ф. Ларионов методини пухта ўрганиб, шу асосда меъда ва ўпкадаги рак касалликларини кимёвий йўл билан даволаш бўйича илмий иш олиб бормоқда. Шу мавзуда унинг 20 дан ортиқ илмий иши босилиб чиқди.

У Москвада бўлиб ўтган жаҳон онкологларининг VIII конгрессида иштирок этди. Болгарияда чақирилган рентгенолог-радиологларнинг I республика конференцияси тавсия этган илмий мақолалар тўпламида унинг ҳам мазмунли иши босилди.

Гулжаҳон опа яқинда яна бир янгиликни амалга оширди. Профессор Маннон Азизовнинг синтез қилган кобальт микроэлементини муваффақиятли синовдан ўтказди.

Эл саломатлиги йўлида фаол меҳнат қилиб келаётган Гулжаҳон опа Икромова «Ҳурмат белгиси» ордени билан тақдирланди. Унинг шахсий делосида Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиқлари ҳам бор.

Гулжаҳон опанинг кўп йиллик иш тажрибаларидан, бой билимидан кўпчилик баҳраманд бўлаяпти. Унинг Тошкент врачлар малакасини ошириш институти онкология кафедрасида радиология бўйича ўқиётган лекциялари катта қизиқиш билан тингланмоқда.

Октябрь тенгдоши Г. Икромова ўз бахтини меҳнатдан топган моҳир шифокордир.

Ҳамидулла ИЎЛДОШЕВ.

МЕНИНГ ПАРТИЯМ

Бугун шеър мавзуси сенсан, партиям,
Мадҳинг ташир байтлар тизилиб сафга.
Ўзинг бирла тирик, енгилмас ғоям,
Ўзинг бирла чиққай орзум ҳадафга.
Сенсиз умрим гўё сўнган саксовул—
Танҳоликда менинг қоматим букук.
Сенинг ҳимматингдан тошар ғайратим,
Сенинг ҳарбир ишинг бахтларга гаров.
Сенинг ютуқларинг ғайрат, шавкатим,
Янги зафарларга йўл олгум дарров.
Сен борсан, енгилдир ҳар мушкулотим,
Сен борсан, чилпарчин йўлларимдан ғов,
Сен борсан, манзилда толиқмас отим,
Сен борсан ағёр ҳеч сололмагай дов.
Сенга ишонаман, ишонганимсан,
Сенга бағишланган умрим, қўшиғим.
Сенга суянаман, суянганимсан,
Ўзинг тебратгансан менинг бешигим.
Курра айланади, айланар самo,
Тонг отар, кун ботар, умр ўтар бетин.
Айланиб, айланиб бу кўҳна дунё,
Мана қаршимизда турибди бутун.
Тарихни варақлаб бугун бетма-бет,
Гўё туман аро қараб тураман.
Кўп замон —давронлар ўтган кетма-кет,
Ва ўзимга ўзим савол бераман:
Мендан сўрасалар ўзга бир юртда,
«Коммунистмисан!»— десалар балки,
— Ҳа шундай,— деб жавоб берардим шартта,
Партияга аъзо бўлмасам ҳамки,—
Коммунистчасига ҳар битта сўзим,
Жону танга сингиб кетгандир зотан,
Коммунистлар юрти аталгач ўзи,
Сенга ҳам, менга ҳам, шу ном, шу Ватан.
СССР граждани аталганимдан,
Кўкрагим кўтариб мағрур юраман.
Эътиқодим чексиз, меҳри қонимда,
Битта солдатидай сафда тураман.

Барот ИСРОИЛ.

НАСИБ БЎЛИБДИР

[МУРАББАЪ]

Гуллар завқи, ишқи, сеҳри
кўнглимни ром қилибдир,
Гупиллаган муаттар бўй
қалбимга лим тўлибдир,
Қаён боқсам, боғу гулшан,
унда гулруҳ кулибдир,
Гулларга мен жонни фидо
этмоқ насиб бўлибдир.
То азалдан гулга шайдо,
танлаб гуллар терарман,
Гулдек тоза дилга шайдо,
дил олиб, дил бérарман,
Дилдек ёнур элга шайдо,
тирикман, эл севарман,
Бисотида борин унга
тутмоқ насиб бўлибдир.
Тебратмишдир вужудимни —
ўчмас ҳислар, туғёнлар,
Куйлаяпман раъно номли
ғазаллару достонлар,
Дилорому дилрабо бу
раъно тўпа бўстонлар,
Ҳокин, гулин кўзларимгa
суртмоқ насиб бўлибдир.
Билмам, ўзга шундоқ, гулшан,
гули раъно бормикан,
Нафисликда, жилваларда
шунча таноз бормикан,
Иштиёқин қўзғар бунча,
атри дарё бормикан,
Сузиб атир дарёсида
ўтмоқ насиб бўлибдир.
Тенгсиз битган маъводир бу,
яйраб ёздим кенг қулоч,
Умримда ҳеч йўқдир ҳасрат,
йўқдир ҳожат, эҳтиёж,
Ҳар кунимда шаъну ютуқ,
ҳар дамимда зўр ривож,
Армонларим висолига
етмоқ насиб бўлибдир.
Кўрдим обрў, икром бунда—
қўндим ҳурмат, эътибор,
Ҳаётимнинг ҳар онида
қувонч, сурур, ифтихор,
Тайёр келар истасам мен,—
бахтиёрдан бахтиёр,
Гулмасканда дўсту ёрни
кутмоқ насиб бўлибдир.

Рўзи ҚОДИРИЙ.

ХУШХАБАРЛАР

ТРАНСПОРТЁРЛАРДАГИ ИДИШЛАР

ЎЗБЕКИСТОН металлургия заводининг сирланган идишлар цехида ортиш ишларини механизациялаш тугалланди. Бу ерда ўттизта транспортёр ўрнатилган бўлиб, идишлар бир ишлаб чиқариш участкасидан иккинчисига ана шу транспортёрлар орқали ўтказиб турилади. Механизация қўшимча ишларга кетадиган вақтни уч баравар қисқартирди.

ПОЙАФЗАЛЧИЛАР ЯНГИ КОРПУСДА

ЧИРЧИҚ пойафзал фабрикасида янги маъмурий-маиший корпус фойдаланишга топширилди. Корпусда дирекция, лаборатория ва турли бўлимлардан ташқари 150 ўринли ошхона ва чойхона ҳам бор.

(ЎзТАГ).



Ўзбекистон ССР Давлат симфоник оркестри Улуғ Октябрь Социалистик революциясининг шонли олтмиш йиллигига муносиб ижодий совғолар ҳозирламоқда. Юбилей концерт программаси ҳам тайёрланди.

«Дўстлигимизни мадҳ этамиз» деган концерт номерлари намойиш қилинади. Бу ранг-баранг программадан қардош республикалар атоқли композиторларининг энг яхши асарлари ўрин олади.

Музика шинавандаларига яқиндан таниш бўлган композиторлардан Георгий Свиридовнинг «Баҳор кантатаси», Вали Муҳамедовнинг «Туркманистон» сюитаси, Қора-Қораевнинг «Озарбайжон манзаралари» лирик куйлари зал узра баралла янграйди.

●

ЮБИЛЕЙ ПРОГРАММАСИ

ЎҚИТУВЧИЛАР СЕМИНАРИ

ОБЛАСТЬ ўқитувчилар малакасини ошириш институти ташаббуси билан районларда семинарлар ўтказиш йўлга қўйилди. Навбатдаги бунчай яхши тадбир Юқори Чирчиқ районида амалга оширилди.

Семинарга район мактабларининг тарих ва жамиятшунослик ўқитувчилари таклиф этилди. Мутахассис олимлар мазмунли докладлар билан чиқдилар. Шунингдек, райондаги 26-мактабнинг тарих ва жамиятшунослик ўқитувчиси Н. Мирзакулов, 43-мактабнинг тажрибали педагоги З. Салимов ва бошқалар ўз иш тажрибалари билан ўртоқлашдилар.

Э. ДОВУТБЕКОВ.

ДАВЛАТ автоинспекциясида шоферлар билимини автоматлар синовдан ўтказади. Бу ерда имтиҳонларни ...«Волжанка» аппаратлари олади. Суратда: имтиҳон комиссияси раиси, совет милицияси аълочиси, майор Анвар Мадаминов савollарга аппарат орқали қандай жавоб бериш йўлларини тушунтирмоқда.

М. Нуриддинов фотоси.

«ВЕТЕРАН» ТУРИСТИК ПОЕЗДИ САФАРГА ОТЛАНДИ

Владимир Ильич Ленин номи билан боғлиқ шаҳарларнинг ўз файзи, меҳр-гнёси бор. Доҳийнинг болалик, ўсмирлик йиллари кечган, у яшаб, жўшқин фаолият кўрсатган ўша муборак шаҳарлар каттаю-кичик — ҳаммасининг эътиборини ўзига тортади. Ульяновск, Қозон, Куйбишев каби Волга бўйидаги шаҳарларда кимнинг бўлгиси келмайди дейсиз! Ильич номи билан аталмиш қаҳрамон Ленинград бўйлаб сайр қилиш қандай завқли!

Катта шодиёналар арафасида бу шаҳарларга махсус туристик поездларда саёҳатлар уюштириш одат бўлиб қолди. Улуғ Октябрь социалистик революциясининг шонли 60 йиллик юбилейи муносабати билан ҳам бундай экскурсиялар кўплаб ташкил этилмоқда.

Пойтахт области колхоз ва совхозлари ишлаб чиқариш ветеранларининг навбатдаги катта группаси яқинда сафарга йўл олди. «Ветеран» туристик поездидаги ветеранлар орасида Калинин районидаги Ленин номли колхознинг собиқ ранси, шахсий пенсионер А. Отажонов, Юқори Чирчиқ районидаги «Правда» колхозининг катта механиги, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони И. Цой, республика аҳамиятидаги шахсий пенсионерлардан М. Юнусова, М. Хўжаев ва бошқалар бор.

Область партия комитети йўли билан амалга оширилаётган бу туристик экскурсия маршрути қизиқарли тузилган. Ўзбек диёридан борган кишилар Ленин қадам жойлари бўйлаб саёҳатда бўлишади, диққатга сазовор жойларни бориб кўришади. Ильичнинг кўп қиррали фаолияти билан яқиндан танишишади.

Доҳийни кўрган, у билан суҳбатда бўлган кекса коммунистлар, меҳнат ветеранлари билан учрашувлар ўтказилади. Улар меҳмонларга ўз хотираларини ҳикоя қилиб беришади.

Бу қутлуғ сафарда ветеранлар яна бошқа қизиқарли учрашувлар, давра суҳбатларнинг шоҳиди бўлишади.

А. АЛИЕВ.

Реклама ва эълонлар

Спорт

«ДИНАМО»МИ ЁКИ «ТОРПЕДО»?

СССР кубоги Москвада қоладиган бўлди. Финалда «Динамо» билан «Торпедо» учрашади. Биллур соврин эгаси Бутуниттифоқ физкультурачилар куни 13-августда маълум бўлади.

Ўтган куни пойтахт динамочилари ўз майдонларида Ленинграднинг «Зенит» командасини қабул қилиб, 2:1 ҳисобида ғолиб келишди. Тўпларни майдон эгаларидан 49-минутда Минаев, 71-минутда Маховиков ва 81-минутда «Зенит» ҳужумчиси Маркинлар киритди.

ҚИСҚА МУДДАТЛИ ТАНАФФУС

Мамлакат футбол чемпионати олий лигаси қатнашчилари ҳам, биринчи лига иштирокчилари ҳам 14 августгача дам олишади.

«Пахтакор» ўша куни ўз майдонида Ростов-Доннинг армия спорт клубини, Минск динамочилари эса Свердловскда «Уралмаш» билан учрашади. 18 августда эса тошкентлик футболчилар «Таврия»ни қабул қилишади. Белорус футболчилари шу тур ўйинини ҳам сафарда ўтказишади, улар «Кузбасс» меҳмони бўлишади. Август ойида бўладиган бундан кейинги тур ўйинлари 23 ва 27 август кунлари ўтказилади. Бу турларда «Пахтакор» сафарда «Терек» ва Оржоникидзенинг «Спартак» командалари билан куч синашади.

Бугунгача эса биринчи лига қатнашчиларининг турнир жадвалидаги аҳволи қуйидагича:

	К.	Ў.	Т.	О.
«Пахтакор»	21	31—13		29
«Динамо» Мн	21	27—11		29
«Спартак» М	22	46—30		29
«Кузбасс»	21	36—22		28
«Таврия»	21	27—14		26
«Терек»	21	39—24		25
«Нистру»	21	26—22		25
«Шинник»	21	28—21		24
«Уралмаш»	21	31—30		24
«Помир»	20	28—22		21
АСК	21	22—23		20
«Спартак» Ор	21	25—31		18
«Торпедо»	21	19—29		18
«Спартак» И—Ф	21	20—29		17
«Динамо» Л	20	24—32		16
«Металлург»	21	13—23		16
«Рубин»	22	21—38		16
«Кривбасс»	21	25—35		15
«Колхозчи»	21	22—41		15
«Звезда»	21	14—35		9

ЧОРАК ФИНАЛЧИЛАР АНИҚЛАНДИ

Республика футбол чемпионатида ҳам ҳозирда танаффус. Бундан фойдаланган командалар Ўзбекистон кубоги учун куч синашмоқдалар. Бўлиб ўтган чорак финал ўйинлари қуйидагича тугади: Сирдарё — Наманган — 2:6, «Инструментальшчик» (Тошкент) — Тошкент области — 2:0, Нукус — Хоразм — 0:6, «Трактор» (Тошкент) — Фарғона — 1:0, Тошкент области иккинчи командаси —Қашқадарё — 0:4, Жиззах—Самарқанд — 0:2.

Эртага чорак финал ўйинларида Наманган — Андижон, «Инструментальшчик» —Термиз, Хоразм —«Трактор», Самарқанд — Қашқадарё командалари учрашади.

Редактор
А. ИСМОИЛОВ.

Ҳар тўғрида

ОСМОНДАН КАНАЛГА САКРАШ

Америкалик Марк Монгилло парашютчилар машғулотида иштирок этарди. Флоридалик 22 ёшли бу спортчининг ўн иккинчи сакрашида парашюти очилмай қолди. 1100 метр баландликдан сакраган спортчининг бахтини қарангки каналга келиб тушди. Шундай баландликдан парашютсиз ерга тушган спортчи омон қолди. Бирок унинг бу сакраши оёғи синиш билан тугади.

Телевидение

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

10.00 — Янгиликлар. 10.10— Гимнастика. 10.30 — Ҳужжатли фильм. 11.05 — «Ҳовлидаги одам» (бадиий фильм, 1-серия). 12.10 — Денгизчилар ҳақида қўшиқлар. 13.45 — Ҳужжатли фильмлар. 16.20 — Фан оламида. 16.50 — Қисқа метражли бадиий фильмлар. 18.15 — Горчичилар қаердасиз! 19.00 — Янгиликлар. 19.10 — Расмларда қўёш акси бор. 19.35 — Концерт. 20.10 — Инсон ва қонун. 20.40 — Спортлото. 20.50 — «Ҳовлидаги одам» (бадиий фильм, 2-серия). 22.00— «Вақт». 22.30 — Шеърият кечаси. 23.45 — Концерт. 24.00 — Янгиликлар.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

11.30 — Ўқувчоқ фильм. 11.55 — Болалар учун бадиий фильм. 12.40 —Фильм-концерт. 13.10 — «Уруш ва тинчлик» (бадиий фильм, 2-серия). 18.30 —Қувноқ пионер ёзи. 19.00— Мусобақа туфайли туғилган. 19.30 — СССР Конституцияси лойиҳасининг умумхалқ муҳокамаси. 19.45 —Ахборот. 20.00 — Ҳужжатли фильм. 20.20— Базал оқшоми. 21.00 — Ахборот. 21.20 — «Баҳор» халқ рақс ансамбли ижро этади. 23.00 — «Вақт» (Москва). 22.30 — «Бир кун ва бир умр» (бадиий фильм).

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

18.05—Болалар учун фильм. 18.25 — «Орқага йўл йўқ» (бадиий фильм, 3-серия). 20.30 — Янгиликлар. 20.50 — Фильм-концерт. 21.20 — Мусобақа пешқадамлари. 21.50 —Бадиий ўқиш.

Кино

ҚИШКИ БИНОДА

САНЪАТ САРОЙИ — Синдбоднинг олтин саёҳати; Олтин безак (кундуз ва кечқурун).

Балоғат ёшига тўлмаганлар— «ЧАЙКА», «ҚОЗОҒИСТОН», «ДРУЖБА» (жуфт соатларда), «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Қўзиқоринҳўр одам —«ЧАЙКА» (18, 20, 21.45). «НУКУС» (кундуз ва кечқурун).

Куёв ва келин — «ВОСТОК» (11, 13, 15.00), «ДРУЖБА», «ҚОЗОҒИСТОН» (тоқ соатларда), «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Квартал ҳисоботи — «ВОСТОК» (17, 18.30, 20, 21.30), «МОСКВА» (кундуз ва кечқурун).

ЁЗГИ БИНОДА

Куёв ва келин — «ФЕСТИВАЛЬ» (21.00).

Балоғат ёшига тўлмаганлар— —«ХИВА» (21.60).

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ («ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА»). Орган Ташкентского обкома КП Узбекистана и областного Совета депутатов трудящихся БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, ГСП. Тошкент, ЛЕНИН проспекти, 41 * ТЕЛЕФОНЛАР Коммутатор — 330249 дан 330258 гача. Эълонлар — 338142.

Р. 03560. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, Тошкент шаҳри. Г. 1675.